

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТ ТАРИХ ТАЪЛИМ  
ТАРИХ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ 4 КУРС 403 ГУРУХ  
ТАЛАБАСИ ХАСАНОВА НАРГИЗА  
АБДИЖАББОРОВНАНИНИГ**

***“Қадимги Бақтрия аҳолиси ва  
Марказий Осиё кўчманчилари”***

**мавзусидаги Битирув малакавий иши**



**Термиз – 2015 йил**

**РЕЖА:**

**КИРИШ .**

1. Мавзунинг долзарбилиги.

**I-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ КАВИЙЛИК АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗУМИ ВА АНЬАНАЛАРИ.**

I. 1. Қадимги Бақтрия аҳолисининг ижтимоий бошқарув ва лавозимлар тизими.

I. 2. Қадимги Бақтрия аҳолиси анъаналарининг дағн усулларидаги кўринишлари .

**II-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ АҲОЛИСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИ ВА АҲАМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ТАРКИБИГА КИРИТИЛИШИ.**

II. 1. Қадимги Бақтрия ва Марказий Осиё кўчманчилари.

II. 1. Қадимги Бақтрия аҳолиси Аҳамонийлар империяси таркибида.

**ХУЛОСА .**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик йилларида тарих соҳасида амалга оширилган кенг миқёсдаги ишлар натижасида Ўзбекистон умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда.

Президентимиз И.А. Каримов юртимиз тарихчилари билан бўлган учрашувда таъкидлаганидек, тарихимизни бирламчи манбалар асосида ўрганмай туриб келажакни кўриш, маданий-маърифий ва миллий ўзлигимизни англаш қийин, деган фикрлари ва «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида айтилганидек «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас... Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантишимиз зарур...» деган сўзлари шубҳасиз биз учун дастурамал бўлиши лозим<sup>1</sup>.

Президент И.А. Каримов 2009 йил 25 август куни Термиз шаҳрида бўлиб, Термиз давлат университети янги биносининг очилиши тантаналарида қатнашди. Тарих факультети аудиторияларини ва бу аудиторияларда намойиш этилган Қадимги Бақтрия археологияси дурдоналарини кўздан кечирар экан, Қадимги Бақтрия давлати тарихига жуда катта эътибор бериш кераклиги, Қадимги Бақтриянинг Марказий Осиё халқларининг маданий тараққиётида ниҳоятда катта роль ўйнаганлиги, ўзбек давлатчилиги тарихининг энг қадимги даврларини Қадимги Бақтрия билан боғлаш зарурлигини таъкидладилар.

Ҳақиқатдан ҳам шундай, сўнгги йилларда Бақтрия тарихи янада ёрқинроқ ўрганилмоқда, фанга илгари номаълум бўлган Сополли маданияти кириб келди. Бу маданият аҳли бронза даврида Қадимги Шарқ халқлари билан яқиндан маданий алоқада бўлиб, Марказий Осиёда энг қадимги цивилизацияга асос солишган. Шу маданиятнинг тадрижий ривожланиши натижасида мал.ав IX аср охири ва VIII аср бошларида Қадимги Бақтрия

<sup>1</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йиль. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1998, 5-25 бетлар.

маданиятига, қолаверса Қадимги Бақтрия давлатига асос солинган.

Юнонлар босқини давригача хукм сурган бу давлатнинг Қадимги Шарқ дунёсида ўз ўрни бўлган, Марказий Осиё халқларининг этник шаклланишида, маданий тараққиётида бешик ролини бажарган. Бу фикрни ҳеч бир тарихчи инкор этмайди. Аммо, Қадимги Бақтрия давлати тарихи етарлича ўрганилган деб бўлмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбекистонлик археологлар Қадимги Бақтрияниң моддий маданияти тарихини нихоятда яхши ўрганиб келмоқдалар, аммо давлатчилик тарихи билан етарлича боғланган эмас. Қадимги Бақтрия давлатининг шаклланиши, ҳудудлари муаммоси, давлатчилиги тарихи, бошқаруви, Қадимги Шарқ дунёсида тутган ўрни, Аҳамонийлар империяси таркибига киритилиши натижасида Бақтрияда кечган ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар каби масалалар ўз ечимини топган эмас. Шу ва шу каби масалаларни ечиш, Қадимги Шарқ дунёсида Бақтрия давлатининг ўрнини кўрсатиб бериш ушбу Битирав малакавий иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Бақтрия унутилган, Европа тарихчилари ва шарқшунос олимлари томонидан қайта тикланган, шундан бўлса керакки унинг тарихида чигал, муаммоли масалалар талайгина. Араб, Форс, Эски ўзбек тилида яратилган адабиёт ва манбаларда Бақтрия тўғрисида маълумотлар учрамайди, фақат Фирдавсийнинг форс тилида яратилган “Кичик Авесто” ва халқ оғзаки ижоди намуналари асосида ёзилган “Шоҳнома” асарида илохий мамлакатлар (Бохтар замин), подшоҳлар (кайонийлар) тўғрисида маълумотлар бор.

Бақтрия тарихшунослиги XIX асрнинг иккинчи ярмида европа тарихчилари томонидан бошланган. В. Гейгер, Э. Райш, Т. Нольдеке, XX аср бошида Ж. Прашек<sup>2</sup>, рус тарихчи ва шарқшунослари В.В. Бартольд, С.П.

---

<sup>2</sup> Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. Erlangen, 1982. V. 66; Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. – London, 1985. V. 45; Reisch E. Baktrionoi / Paulys Real-Encyclopödie. T. II. 1896; Nildeke T. Iranisches Nationalepos, Grundriss der Iranische Philologie, II. 1896-1904.V.141; Prasek J.D. Geschichte der Meder und Perser. Bd. I. - Gotha, 1906. V. 50-54

Толстов<sup>3</sup> каби олимлар антик давр юон тарихчиларининг ҳабарлари асосида Бақтрия тарихи ҳақида илк маълумотлар берган.

*Бақтрия тарихи ёзма манбаларда.* Ктесей Книдский "Бақтрия кучли ва қудратли мамлакат, VIII асрдаёқ мустақил давлат бўлган" деб таърифлайди. Ктесей Книдскийнинг асарлари ўрта аср тарихчиси Фотийнинг асарида илова тариқасида бизгача етиб келган<sup>4</sup>.

Диодор ўз асарида Оссурия шоҳи Ниннинг Бақтрияга қарши жанг тафсилотларини ёзган. Асар бошида Ниннинг Семирамидага уйланиш тафсилотлари тасвирланган. Диодорнинг ёзишига қараганда Нин Бақтрияни мағлуб этиш оғирлигини, аҳолисининг кўп сонли эканлигини ва жангда моҳирлигини, қалъаларининг кўплигини билган. Шунга қарамай у кўп сонли қўшин йигади ва биринчи жангда Бақтрия шоҳи Оксиартдан тоғ йўлдан текисликка чиқадиган жойда мағлубиятга учрайди. Нин Бақтрия билан бўладиган янги жангта тайёрланади<sup>5</sup>.

Диодор Бақтрия пойтахти Бақтр шаҳрини қўйидагича таърифлайди, «... Бақтр йирик шаҳарлардан бири, у гўзал, эгаллаб бўлмас қалья». Нин Бақтр шаҳрини узоқ вақт қамал қиласди. Шаҳар Семирамиданинг айёргилиги натижасида ишғол қилинади. Бақтрликлар мағлубиятга учрайди. Бақтрия шоҳи ўлдирилади. Нин Бақтриянинг олтин ва кумуш - бойликларини талайди.

Бу воқеаларни Помпей Трог<sup>6</sup>, Арриан<sup>7</sup> ва Ксенофондлар<sup>8</sup> ҳам ўз асарларида ёритган. Аммо, воқеалар тафсилотларида, шоҳларни таърифлашда айрим чалкашликлар бор. Ксенофонт ўз асарида Бақтрия ва Оссурия ўртасидаги уруш Оссурия шоҳи Киаксар замонида бўлган деб ёзади.

Тадқиқотчилар ўртасида Оссурия билан Ўрта Осиё, хусусан Бақтрия оралиғидаги узоқ масофани ҳисобга олиб, юқоридаги маълумотларни тарих

<sup>3</sup> Бартольд В.В. К истории персидского эпоса // Записки Восточного отделения Российского Археологического общества. XXII, 1915. - С. 258-259; Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. - М., 1938 . - № 1. - С. 183; Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 103.

<sup>4</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргiana // МИА, 1959 . - № 73.

<sup>5</sup> Диодор. Историческая библиотека. Кн. 17. II , 2-7 / пер. М.Е. Сергеенко / Арриан. Поход Александра. М. - Л., 1962.

<sup>6</sup> Помпей Трог. I, 1,2.

<sup>7</sup> Арриан. Anab. VI, 24.

<sup>8</sup> Ксенофонт. I, 5, 2.

саҳифасидан чиқарып ташлаш керак, деган мунозаралар ҳам учрайди. Маълумки, бу масалага И.М. Дьяконов ойдинлик киритган. Унинг изланишлари туфайли топилган Оссурия айғоқчиларининг ўз шоҳига ёзган номасидаги қуидаги маълумотдан сўнг антик давр тарихчилари маълумотлари ўз кучини сақлаб қолди: "... лекин мен лазуритни олиб кетганимдан сўнг, мамлакатда менга қарши қўзғолонлар бошланди, шундан сўнг мен катта ҳарбий куч юборишни илтимос қилдим"<sup>9</sup>. Маълумки, Яқин Шарқда Бақтрия лазуритлари юқори баҳоланган. Шу тариқа тарих фанига Қадимги Бақтрия шоҳлиги тўғрисидаги маълумотлар кириб келди.

Аҳамонийлар империясига қадар Қадимги Бақтрия подшоҳлигининг бўлган ёки бўлмаганлиги икки хил - ёзма ва археологик манбалар асосида ўз ечимини топади. Энг ишончсиз ёзма манбалар сифатида ёритилиб келинаётган Сисамитра ва Ниннинг Бақтрияга юриши воқеалари тарих фанига кириб келиши билан олимлар ўртасида бу манбага қизиқиши ортиб борган. Ўзбек тилидаги адабиётларда Ктесийнинг ушбу маълумоти тўлиқ ёритилмаган, унда шундай дейилади:

- Бу қурилиш ишлари (Ниния шаҳри қурилишлари назарда тутилмоқда) Ниннинг жангларга бўлган иштиёқини бирмунча ҳам сўндиргани йўқ. У Бақтрияга бир неча маротаба босқинчилик юришларини амалга оширган бўлса-да, аммо Бақтрия ерларини эгаллай олмаган. Нин, Бақтрияни босиб олиш режасини туза бошлади. Бу уруш давомида биринчи маротаба Семирамида ҳам ҳамроҳлик қилди. У Асклонда энг обрўли ҳисобланган яратувчи табиат худоси Деркетонинг (Атергати) қизи бўлиб, Деркето бу бола(қиз)ни ўлимга маҳкум этилган маҳбус билан сирли севги натижасида дунёга келтирган, Сим исмли бошқа бир шаҳарлик болани топиб олади ва ўз тарбиясига олди. Шундан сўнг Сурия ҳукмдори Оаннес Семирамиданинг гўзаллигига ошиқ бўлиб уйланди, Бақтрияга қилинган урушда улар жангчиларга ҳамкорлик қилди. Семирамиданинг бир мардонавар ҳаракати

<sup>9</sup> Дьяконов И.М. Ассиро-вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ. - М., - М., 1951. - . - № 2. - С. 335-336.

уни шоҳлик даражасигача кўтарди. Нин очиқ майдонда Бақтрияликларни мағлуб этгандан сўнг, уларнинг пойтахтини узоқ вақт натижасиз қамал қилди, шунда Семирамида оддий жангчи кийимини кийиб, сотқин айғоқчилар ёрдамида шаҳарга кирди ва душман қўшинлари билан тил бириктиргани ҳақида Нинга ҳабар берди, шундан сўнг Нин шаҳарни эгаллади, Нин Оаннесдан Семирамидани тортиб олиб, хотин қилиб олди, ҳеч қанча ўтмай Нин ўлди ва ўлими олдидан Семирамидани салтанатнинг ҳукмдори этиб тайинлади»<sup>10</sup>.

Фанда бу манба Ктесийнинг тўқималари, ҳеч қандай тарихий ҳақиқат йўқлиги хусусида ёзилиб, Оссурия тарихида Нин ва Семирамида каби шоҳлар умуман бўлмаганлиги европа олимлари томонидан XVII аср ўрталаридаёқ айтиб ўтилган бўлса<sup>11</sup>, бу масала рус адабиётида ўтган асрнинг ўрталарида энг қизғин масалага айланган<sup>12</sup>.

Ушбу масала бўйича Оссурия шоҳлари архивида (HABL №1240) келтириладиган ҳабарларнинг, яъни лазурит билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва бунга қарши халқ қўзғолонлари ва Оссурия шоҳидан ёрдам сўраб ёзган айғоқчининг номалари ҳақидаги маълумотларнинг Бақтрияга тааллуқли жойи йўқлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланмоқда ва ишончли далиллар билан инкор этилмоқда<sup>13</sup>. Эслаб ўтилган ёзма манбаларнинг Бақтрияга тааллуқли эмаслиги вазиятни ўзгартирмайди, яъни Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрия подшоҳлигининг фаолият

<sup>10</sup> Botta. Monuments de Ninive. Paris, 1850, Vol.5; Layard. Monuments of Nineveh. London, 1851.

<sup>11</sup> Botta. Memoire sur L'ecriture cuneiforme assyrienne. Paris, 1849; De Saulcy. Recherches sur L'ecriture cuneiforme assyrienne. Paris, 1849;

<sup>12</sup> Дъяконов И.М. Ассири-Вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ. - М., 1951. . - № 2. - С. 335-336; Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968; Бартольд В.В. К истории персидского эпоса. Записки Восточного отделения Российского Археологического общества. XXII, 1915. - С. 258-259; Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. - М., 1938 . - № 1. - С. 183; Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 103; Гафуров Б.Г. История Таджикского народа. Т.И. - М., 1955. - С. 31-32; Дъяконов И.М. Истории Мидии. - М., Л., 1956. - С. 169; Дъяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М., 1961; Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал// СА. - М., 1958, №2, С49-65; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959 . - № 73; Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования. ИТН, Глава III, 1963.

<sup>13</sup> Грантовский Э.А. Бактрия и Ассирия (в связи с проблемой древнебактрийского «царства»). Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. - М., 1983. - С. 27-30.

этганлигини «Báhlika» (Бахлика) тўғрисидаги ҳинд манбалари орқали исботлаш мумкин<sup>14</sup>. Э.А. Грантовский ушбу қадимги ҳинд манбасининг мил.ав. V асрдан олдинги даврларга оидлигини айтиб «Báhlika» терминини «Авесто»даги «Baxtis», қадимги форс манбаларидаги «BaxtriŠ» ёки «Balx»-«Baxl» сўзлари билан таққослайди ва ушбу географик ва этник терминни қатъий тарзда Бақтрия билан боғлади. Сўнгги йилларда фан оламига кириб келган ушбу манба ҳақиқатан ҳам Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрия подшоҳлигининг мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Зардуштийлик динининг асосий китоби бўлган «Авесто»да Ахурамазда барпо қилган мамлакатлар орасида Бақтрия "Бахди" шаклида тилга олинади<sup>15</sup>.

Аҳамонийлар сулоласини ва тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлган Бехустун ёзувларида Бақтрия тўрт маротаба тилга олинган. Бу ёзувлардан Бақтрия давлатчилиги ёки аҳолисининг ижтимоий табақалари тўғрисида маълумотларни ўқий олмасак-да, Суза саройини безашда Лидия ва Бақтриядан келтирилган олтинлар, Бақтрия таркибида бўлган Марғиёнадаги Фрада бошчилигидаги қўзғолон ёки географик ўрни ва чегарадош мамлакатлари тўғрисидаги маълумотлар бор<sup>16</sup>.

Геродот асарларидан ҳам Бақтрияниң Қадимги Шарқ халқлари орасида ўз ўрни бўлганлигини билиш мумкин. Жумладан, Кирнинг ҳарбий юришлари лозим бўлган мамлакатлар Вавилония ва Миср қаторида Бақтрия ва Саклар ҳам санаб ўтилади<sup>17</sup>. Бақтрияликларнинг қурол-аслаҳалари ва ҳарбий қўшинидаги тартиб ҳам Геродот эътиборидан четда қолмаган<sup>18</sup>. У бақтрияликлар яратган моддий маданият Ўрта Осиёда яшайдиган бошқа халқларга ўrnak бўлганлигини айтиб, арийлар, хорасмияликлар, сўғдийлар,

<sup>14</sup> Грантовский Э.А. Иран и иранцы до Ахеменидов. Основные проблемы. Вопросы хронологии. - М., 1998. - С. 106-107.

<sup>15</sup> «Авесто», Видевдат, 8.

<sup>16</sup> Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968.

<sup>17</sup> Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). - Л., 1972.

<sup>18</sup> Геродот. История в девяти книгах. VII, 64. (пер. Г.А. Страновского). - Л., 1972.

гандарияликлар ва дадиклар курол ясашда бақтрияликларга ўхшатиб ясаганлигини мисол қилиб кўрсатади<sup>19</sup>.

*Бақтрия тўғрисида тарихий тадқиқотлар ва археологик маълумотлар.* Иккинчи жаҳон уришидан кейинги йилларда Бақтрия тўғрисидаги маълумот ва илмий тадқиқотлар Б.Г. Гафуров, И.М. Дьяконов, М.М. Дьяконов, В.М. Массон, В.А. Лившиц асарларида муҳокама этила бошлади, уларда Аҳамонийлар босқинига қадар Қадимги Бақтрия давлати бўлганлиги қайд этилган<sup>20</sup>.

Шундан сўнг Бақтрия тўғрисидаги асосий илмий маълумотлар археология соҳасида юз берди. Француз археологи А.Фуше Бақтр шахри мудофаа деворларида археологик қазишма ишларини олиб бориб, ёдгорликнинг қадимги маданий қатламларини ўргана олмайди ва Бақтрияниң қадимги тарихига шубҳа билан қарайди, бу ерга маданиятни, давлатчилик сиёсатини Аҳамонийлар олиб келган, тарихда ҳеч қандай Бақтрия сулосаси бўлмаган деган ноилмий, асосланмаган назарияларни кўтариб чиқди<sup>21</sup>. Ўтган асрнинг 70 - йилларида Афғонистон ҳудудида В.И. Сарианиди бошлиқ СССР - Афғонистон археологик экспедицияси фаолият этган ва археологияда Бақтрияниң янги саҳифалари очила бошлади. Фанга Даشتли маданияти кириб келди ва Бақтрия бронза даврида Қадимги Шарқ дунёсининг ажралмас бир қисми эканлиги эътироф этила бошлади. В.И. Сарианиди билан бир вақтда ўзбек археологи А.А. Аскаров Ўзбекистон ҳудудида, Сополли ва Жарқўтон ёдгорликларида илмий изланишлар олиб бориб бронза даврида Бақтрия Қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоги эканлигини исботлаб берди. Анре Франкфор бошлиқ Францияниң бир гурӯҳ олимлари Шўртўғай ёдгорлигига, иккинчи бир гурӯҳ олимлари эса академик Пауль Бернар бошчилигига Ойхонум ёдгорлигига тадқиқотлар олиб бориб Бақтрияниң

<sup>19</sup> Геродот. История в девяти книгах.... VII, 66.

<sup>20</sup> Гафуров Б.Г. История Таджикского народа. Т. I. - М., 1955. - С. 31-32; Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М., - Л., 1956. - С. 169; Дьяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М., 1961; Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал // СА. - М., 1958. - № 2. - С. 49-65; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 73. - М., 1959; Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования / ИТН. Глава III. - Душанбе, 1963. - С. 68-75.

<sup>21</sup> Foucher A. La vieille route de l'inde Baktres a Taxila. - Paris, 1942

бронза даврида Хараппа маданияти билан, антик даврларда Юнон маданияти билан яқиндан маданий алоқада бўлганлигини исботлашди. Эслаб ўтилган олимлар ва А.С. Сагдуллаев, Ш.Б. Шайдуллаевлар томонидан илк темир даврига оид Кучуктепа, Тиллатепа, Қизилтепа, Талашқонтепа ёдгорликлари ўрганилди. Ушбу тадқиқотлар асосида Бақтрияниң қадим тарихи бутун бўй бости билан кўрина бошланди, Бақтрияниң бой тарихий меросидан хабар берувчи маълумотлар тўпланди<sup>22</sup>.

М.М. Дъяконов Жанубий Тожикистон ҳудудида жойлашган Болдойтепа, Кафирниғон ёдгорликларини ўрганиб, Бақтрияда илк синфий муносабатларнинг шаклланиши, Бақтрия илк давлатчилиги масалаларига оид манбаларни кўрсатиб берди<sup>23</sup>.

Ўрта Осиёning жануби, хусусан қадимги дәхқончилик маданияти ривожланган Бақтрия, Марғиёна ва Сўғд мисолида А.С. Сагдуллаевнинг тадқиқотлари дикқатга сазовор. У ўз тадқиқотларида Бақтрия тарихига оид ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан ниҳоятда яхши боғлай олган. “Авесто”да келтирилган жамоаларни археологик манбалар билан боғлаб, Бақтрия давлатчилиги тараққиётининг қуидаги учта босқичини кўрсатиб берган:

1. Сўнгги бронза даврида кичик дәхқончилик ўлкаларида илк давлатчилик белгиларининг пайдо бўлиши;
2. Аръёшайана - кичик давлат бирлашмалари;
3. Қадимги Бақтрия - йирик давлат бирлашмаси<sup>24</sup>.

<sup>22</sup> Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. – Т., Фан, 1977; Аскаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Т., Фан, 1983; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. - Самарканд, 1993; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М., 1977; Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Т., Фан. 1979; Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в северном Афганистане. - Вып. I. - М., 1972; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т., Фан, 1987; Кузьмина Е.Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность // ВДИ. - М., 1978. - № 2. – С. 12-21.

<sup>23</sup> Дъяконов М.М. Сложение классового общества в северной Бактрии // СА. Вып. 19, 1954. – С. 130-138; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959. - № 73; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. - Самарканд, 1993. - 162 с.

<sup>24</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М., 1989. - С. 40.

Мустақилликдан сўнг Бақтрия тарихини ўрганишга муносабат ўзгарди. Тадқиқотчилар томонидан Қадимги Бақтрия тарихининг асосий хусусиятлари ва давлатчилигининг вужудга келиши масалалари таҳлил этилмоқда<sup>25</sup>. Бақтрияда илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва турлари, хукмдорлар унвонлари каби масалалар академик Э.В.Ртвеладзе, Бақтрияда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши Т.Ш. Ширинов асарларида таҳлил этилди<sup>26</sup>.

Сўнгги йилларда бутун илмий тадқиқот ишларини Бақтрияниң қадимги даврига бағишлаётган Ш.Б. Шайдуллаевнинг тадқиқотларида Бақтрия тарихининг бир қатор муаммолари ўз ечимини топмоқда. Унинг ўзбек давлатчилиги тарихига бағишлиланган диссертациясида қуидаги масалалар ўз ечимини топган: Бақтрияда бошқарув ибтидоий бўлса-да давлатчиликтан аввал, жамоалар давридан бошлаб шаклланган. У оила, патриархал оила, қишлоқ жамоаси бошқаруви негизида шаклланган. Диссертацияда биринчи марта илк давлатларининг археологик белгилари ишлаб чиқилган. Қадимги Шарқ цивилизасияси учун ишлаб чиқилган, бугунги кунда жаҳоннинг қадимги давлатлари шаклланган ҳудудлари учун қўлланилаётган илк давлатлар типологиясини (шаҳар-давлатлар, ҳудудий давлатлар ва империялар) такомиллаштирган ҳолда Бақтрия учун қабул қилиш таклиф қилинган. Жарқўтон Қадимги Шарқ дунёсининг шаҳар-давлатлари билан қиёсий таққосланган. Ёдгорликнинг топографияси, бошқарув тизимининг шаклланганлиги, ишлаб чиқариш тизимининг шаклланганлиги натижасида яратилган моддий маданият намуналари, маданий алоқалар даражаси Ш. Шайдуллаевга Жарқўтонни шаҳар-давлатлар тоифасига киритиш имконини берган. Жарқўтонда марказлашган диннинг шаклланиши билан бирга, жамоаларда зоолатирик, аждодлар руҳига ибодат каби диний қарашлар сақланиб қолганлиги исботлаб берилган. Бақтрияда оромий ёзувига қадар

<sup>25</sup> Аскаров А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности //

<sup>26</sup> Ртвеладзе Э.В. Титулы правителей государств и владений Средней Азии в начале I тыс. до н.э. // ОНУ. – 2006. -.№ 5-6. – С. 46-57; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х, Абдуллеев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., Адолат, - 2001. – Б. 239; Сагдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. – Т., - 1992. – С. 132-133; Ширинов Т.Ш. Қадимги Бактрия подшолиги “Катта Хоразм” / Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., Шарқ, 2001. – Б. 13; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т., 2000.

пиктографик белги ва пиктографик ёзув турлари мавжуд бўлганлиги Жарқўтон ва Гоз ёдгорликлари мисолида ёритилди. Илк темир даврида Бақтрияда ҳудудий давлатлар шаклланганлиги, ҳудудий давлатларнинг конфедерацияси натижасида мил.ав. VIII асрда Бақтрия подшоҳлигига барпо этилганлиги бой археологик манбалар асосида исботланди. Ўрта Осиё халқлари мил.ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданияти намуналарида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмаганлиги, ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилганлиги муаллиф томонидан эътироф этилди. Ўрта Осиё, жумладан Бақтрияда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши янги илмий адабиётлар ва манбалар асосида, Шадимги Шарқ дунёси билан таққослаган ҳолда ёритилди<sup>27</sup>.

Ў. Абдуллаев Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослигига бағишланган китобида Бақтрияда давлатчилик бошқаруви бўйича қуидаги хulosалар чиқарилган:

- бронза даврида “воҳа-давлатлар”;
- мил.ав. I минг йилликнинг бошларида “воҳа-давлатлар” ва дастлабки сиёсий уюшмалар;
- илк темир даврида ҳудудий жиҳатдан ўртамиёна давлатлар пайдо бўлган дейилган<sup>28</sup>.

Қадимги Бақтрия билан бир вактда қуий Амударё ва Орол бўйларида Амиробод, Қуйисой, Тагисken каби маданиятлар аҳли яшашган, Кўчманчи халқлардан қолган бу ёдгорликлар Сак ва Массагет халқларидан қолган моддий маданият ҳақида маълумотлар беради<sup>29</sup>. Хоразмда илк темир даврида

<sup>27</sup> Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. Т., 2008. С. 42.

<sup>28</sup> Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Т.: Akademiya, 2009. – Б.142; Абдуллаев У.И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX-начала XXI в.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 2008. – 21 с.

<sup>29</sup> Markwart J. Wehrot und Arang. - Leiden. – 1938. –Р. 10-12; Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948; Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch-doctor? - Leiden, - 1951; Gershevitch I. The Avestan Hymn to Mithra. - Cambridge, 1959; Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология / Этнография и археология Средней Азии. - М., 1979; Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амударьи в 70-80 годах / Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. - М., 1991; Хлопин И.Н. Историческая география

ривожланган меморчилик иншоотларининг пайдо бўлишини Марғиёна ёки Бақтриядан излаш кераклигини қўплаб тадқиқотчилар эътироф этмоқда<sup>30</sup>. Демак, Хоразмда қадимда икки маданият Сак ва Массагетлар яратган кўчманчи ва Бақтриядан кўчиб борган Қалъали Қир ва Кўзали Қир ёдгорликлари аҳолиси илк шаҳар маданиятига асос солган. Тарихи бир, маданий илдизлари бир, Бақтрия ва Хоразм маданиятлари илдизи бир, негаки улар бир дарёдан сув ичган, қадимда дарёлар халқларни бирлаштирувчи фактор вазифасини бажарган, жоиз бўлса, кўчма маънода бўлса-да айтиш мумкинки, Бақтрия ва Хоразмликлар “кўшни” халқлар бўлишган, илк темир даврида Бақтрияликлар қуруқлик йўлидан кўра сув йўлини афзал қўришган, Бақтрияликлар Сўғдан кўра Хоразм билан кўпроқ маданий алоқада бўлишган.

Қадимги Сўғд ҳудудида жойлашган ёдгорликларда, жумладан А.С. Сагдулаевнинг Дарадепа, Р.Х. Сулаймановнинг Еркўрғон, М.Х. Исомиддиновнинг Афросиёб, Кўктепа каби ёдгорликларда олиб борган тадқиқотлари Сўғднинг Бақтрия билан яқиндан маданий алоқада бўлганлигини, Бақтриянинг маданий таъсирида доирасида ривожланганлигини тасдиқлайди<sup>31</sup>.

---

южных областей Средней Азии. - Ашхабад, 1983; Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес / Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М., 1967; Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Т., 1957; Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств. (На примере Средней Азии) / От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М., Наука, 1987; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М., 1996.

<sup>30</sup> Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар / Ўзбекистон этнологияси: янгиша қарашлар ва ёндашувлар. ЎЗР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 ийлигига багишланган халқаро илмий анжуман материаллари. – Т., Фан, 2004. - Б. 76-84.

<sup>31</sup> Сагдулаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М., 1989. - С.42; Лушпенко О.Н. Раннекелезный век Южного Согда. (По материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканд, 1998. С. 21; Сулайманов Р.Х. Древности Нахшаба. – Т., Фан, 2000; Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандинского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннекелезного века и в период античности). – Т., Фан, 2002; Avanesova N, Sajdullaev Š, Ėrkulov A. Dzam - ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana // AMIT - Berlin, 2001.-Band 33.

Бақтрия Ўрта Осиё кўчманчилари – Сак ва Массагет халқлари билан ҳам маданий алоқада бўлган. Бу айниқса қурол-аслаҳаларнинг ўхшашлигига кузатилади<sup>32</sup>.

**Битирув малакавий ишининг ИТИ режалари билан боғлиқлиги.** Битирув малакавий иши Термиз давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси томонидан бажарилаётган “Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари” мавзуси доирасида ёзилди.

**Тадқиқотнинг хронологик доираси.** Мил.ав. VIII-IV асрларни ўз ичига олади. Бу давр Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида Бақтрия ва Марғиёна каби тарихий-маданий ўлкаларда давлатларнинг шаклланганлиги билан характерланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Қадимги Бақтрия давлатида кечган тарихий ва маданий жараёнларни ёзма ва археологик манбалар асосида ёритиш, тарихчилар томонидан йўл қўйиб келинаётган айrim чалкаш фикрларга ва йўл қўйилган камчилликларга танқидий муносабатда бўлиш, Бақтрия тарихини мустақиллик талаби асосида холисона ёритиш, унинг Марказий Осиё халқлари маданий хаётида, этник тарихида тутган ўрнини манбалар асосида ёритишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Қадимги Бақтрия тарихи бўйича мукаммал илмий тадқиқот ишини яратиш;
- Бақтрия давлатининг Қадимги Шарқ халқлари маданий хаётида тутган ўрнини белгилаш;
- Қадимги Бақтрия давлати – Кавийлигининг Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини янада ёрқинроқ кўрсатиш;
- Қадимги Бақтрияниң ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрнини аниқлаш;

---

<sup>32</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов / Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. Тезисы докладов. - Л., 1975. С. 84.

**Тадқиқот обьекти ва предмети.** Бақтрия тарихи ва унга бағишланган ёзма манбалар, Ўзбекистон худудида жойлашган Қадимги Бақтрия маданиятига оид археологик ёдгорликлар, шу мавзуга бағишланган тарихий тадқиқотлар.

**Тадқиқот усуллари.** Тарихий хulosалар чиқаришда манбаларга танқидий назар билан ёндашилди. Фойдаланилган тарихий тадқиқот хulosаларининг қанчалик илмий асосланганлиги бош мезон қилиб белгиланди.

**Битирув малакавий ишининг илмий манбалари.** Қадимги Бақтрия тарихига бағищлаб ёзилган тарихий тадқиқотлар, “Авесто”, Геродот ва бошқа юнон тарихчи ва сайёҳлари қолдирган маълумотлар, Аҳамоний шаҳаншоҳлар битиклари, Ўзбекистонда мавжуд Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликлари, тадқиқотчилар томонидан турли даврларда битилган бақтрияликлар ҳақидаги фикрлари, чоп этилган илмий мақола ва тадқиқот маълумотлари Битирув малакавий ишининг илмий манбаларини ташкил этди.

#### **Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- Қадимги Бақтрия давлатига мил.ав. VIII аср бошида асос солинган;
- Рус тилидаги “Древнебактрийское царство”, ўзбек тилидаги “Қадимги Бақтрия подшолиги” терминларининг қўлланиши нотўғри ва “Қадимги Бақтрия Кавийлиги” деб аталиши ҳақиқатга яқин;
- Аҳамонийлар империяси таркибида Бақтрия сатраплигининг ўз ўрни бўлган, Бақтрия ҳарбий қуроллари ва ҳарбий санъати намуналари империя томонидан қабул қилинган;
- Аҳамонийлар Бақтрияга ва умуман Ўрта Осиёга маданий юриш қилмаган, уларнинг маданий таъсири Бақтрия моддий маданиятида сезилмайди.

#### **Илмий янгилиги:**

- Илк Кавийлар мамлакати Шарқий Эрон ва Қадимги Бақтрия ҳудудларида шаклланган;

- Қадимги Бақтрияни Кавий титулидаги ҳукмдорлар бошқарган, Қадимги Бақтрия Кавийлиги дахиюларнинг ўзаро конфедерацияси натижасида шаклланган;
- Маҳаллий Кавий типидаги давлатлар ва Кавий титули Аҳамонийларнинг босқини ва уларнинг давлат бошқаруви – сатрапликларнинг кириб келиши натижасида унутилган;
- “Авесто”да учрайдиган састар, дахиюпати, дахиюлар дахиюпатиси бошқарувлари археологик манбалар билан таққосланди ва ёзма ва археологик манбанинг уйғунлашганлиги кузатилди;
- Бақтрия ҳукмдорлари “Кавий” дан ташқари “дахиюлар дахиюпатиси” титулида ҳам бўлган;
- “Авесто”нинг пайдо бўлиши ва назарий ривожланиши Ўрта Осиё мутафаккирлари ижоди билан боғлик. Аммо бу таълимотдан Аҳамоний ҳукмдорлар империяни бошқаришда ниҳоятда усталик билан фойдаланишган;
- Кирнинг Ўрта Осиё кўчманчиларидан мағлубиятининг асосий сабаби, кўчманчиларнинг Ватан озодлиги учун тузилган иттифоқнинг натижасидир.
- Археология фанида бронза давридан бошлаб илк шаҳар маданиятига асос солингани исботланган. “Авесто” эса шаҳар тушунчасини билмайди. Икки манбанинг бир-бирига мос келмаслигининг сабаби “Авесто”нинг асосий ғояларининг кўчманчи халқларнинг, “арий”ларнинг ўтроқлашаётган, маҳаллий ҳалқлар билан ассимляцияси кечаётган вақтда битилганлигидадир.

**Натижаларнинг амалиётда қўлланиши.** Битирув малакавий иши манбалари Ўзбекистоннинг илк темир даври тарихини яратишда, Қадимги Бақтрия тарихига бағишлиланган дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда, Ўзбекистон тарихи каби фундаментал асарларни ёзишда манба бўлиб ҳизмат қиласди.

**Ишнинг аprobацияси.** Битиув малакавий ишида кўтарилиган асосий ғоялар Илмий раҳбар Н.Икромов билан ҳамкорликда бир қатор конференция ва симпозиумларда, Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларининг анъанавий йиллик конференцияларида доклад қилинди ва мавзу бўйича чоп этилган мақола ва доклад тезисларини чоп этишда илмий муҳокамадан ўтди.

**Натижаларнинг чоп этилганлиги.** Битиув малакавий ишининг асосий манбалари ва унинг бобларида келтирилган асосий ғоялар Республикаизда чоп этиладиган журнал ва илмий тўпламларда нашр этилган мақолаларда ўз аксини топган. Н.Икроноов томонидан ЎзР ФА Тарих институти томонидан чоп этилаётган “O’zbekiston tarixi” журналида Бақтрия тарихи бўйича муаммоли мақоланинг чоп этилиши, Ўзбекистон тарихчиларини мунозарага чақиришга асос бўлди<sup>33</sup>.

**Битиув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Битиув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт савол, хулоса қисмлардан иборат бўлиб, унга адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартма сўзлар рўйхати илова қилинган.

---

<sup>33</sup> Қадимги Бақтрия подшоҳликми ёки кавиликми?// O’zbekiston tarixi. Тошкент, 2010, № 3. 3-6 бетлар.

## **I-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ КАВИЙЛИК АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТУЗУМИ ВА АНЪАНАЛАРИ.**

### **I. 1. Қадимги Бақтрия аҳолисининг ижтимоий бошқаруви ва лавозимлар тизими.**

“Авесто”да кавий сўзи коҳин-шоҳларга, ҳукмдорларга нисбатан ишлатилган. Ҳукмдорларнинг кўпчиллиги аввал Зардўшт таълимотига қарши бўлишган ва “Авесто”да девпараст, каззоб каби сўзлар билан таърифланган<sup>34</sup>:

Менга шундай бер омад  
Муқаддас Ардви Сура.  
Ғазабкор Тентравантни,  
Девпараст Пэшанувни  
Каззоб Арежатаспни  
Эзгулик учун жангда,  
Енгиб мен ғолиб бўлай<sup>35</sup>.

Авестонинг жуда кўплаб наскларида Кавийлар золимлар деб тарифланган. Авестошунос олимларнинг аксарияти, жумладан М. Исҳоқов ҳам “Кавийлар” сўзи орқали берилган бу тушунча Зардуштга қадар ҳукмдор ҳамда коҳин вазифасини ўзида бирлаштирган ижтимоий қатламни ифодалаган. Кавий – коҳинлар аввал Зардушт таълимотига душман бўлишган. Кейинроқ, Виштаспа Зардушт таълимотини қабул қилгач,

---

<sup>34</sup> «Авесто»га кўра, Шарқий Эрон ҳукмдорларининг рўйхати қуйидагича: «Хаошъёнҳ — эронийликларнинг биринчи афсонавий подшоси («Шоҳнома»да — Хушанг), кейин Йима (Жамшид) — подшоподачи, Съёваршон (Сиёвуш), Кави Хаосров (Кай-Хисров), Кави Виштасп.

Кавийлар («Шоҳнома»да — кайёнийлар) — ҳукмдорлар сулоласи. Бу сулола вакиллари — Кави Кават (Кай-Кубот), Кави Усан (Кай-Ковус), Кави Пишин (Кай-Пишин), Кави Аршан (Кай-Ареш) Заратуштра таълимотининг тарафдорлари бўлган. Туронликлар эса Заратуштра таълимотини қабул қилмаганлар, шунинг учун улар «Авесто»да «сохта», «ёвузлар» сифатида ёритилган.

Кави Хаосров арийлар мамлакатларини бирлаштирувчи ҳукмдор бўлиб ҳисобланади. Унга қарши “тура” чорвадор қабилаларнинг йўлбошчиси Франграсён («Шоҳнома»да — Афросиёб) кураш олиб борган. Франграсён — Афросиёб, Кай Хисровнинг отаси Съёваршон — Сиёвушни ўлдирган. Кай Хисров Франграсён билан жанг килиб, уни Чайчаст кўли ёнида маглубиятга учратиб ҳалок этган. Шундай қилиб, Кай Хисров отаси Сиёвуш ва Аграэрат, Наравид номли баходирлар учун қасос олган.

Кави Виштаспнинг асосий душманлари туроний «дану» ва «хъяона» қабилаларнинг вакиллари — Аржатасп, Вандарманиш ва Даршин бўлган. Тақдир ва баҳт худоси Ашига мурожаат килиб, Кави Виштасп айтурки: «Бахт-саодатли Аши, ғалабали жангда, Хъяона ёвузи, етти юз тую эгаси сержаҳл Аштарвант, сохта Аржатасп, девларни қадрлаган Даршин устидан голиб чиқишига, хъяона жангчиларини юзлаб қиришга омад сўрайман» («Яшт, 17-боб»).

<sup>35</sup> Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Т., 2001. 31 бет.

муносабат ўзгариши керак эди. Лекин “Авесто” га кириб қолган эски анъана – Кавийлар душман деган қараш сақланиб қолаверган. Бу ҳол “Авесто” китобининг турли қатламлари Зардуштдан аввалги даврлар маҳсули бўлган, деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди, деб ҳисоблайди.

Маълумки, Кавийлар ичида биринчи бўлиб бақтриялик Виштаспа зардустийликни қабул қилган. Шунинг учун “Авесто”да Виштаспа тўғрисида факат ижобий иборалар ишлатилган. Жумладан: “Кудратли Виштаспа”, “Кўп билимдон Виштаспа”, “Паҳлавон Виштаспа” каби. Уни таърифлагандаги пайғамбар Зардушт бисотидаги барча яхши сўзларни ишлатганлиги кўринади:

Ки, Кавий Виштаспа  
Бошига қўнган эди,  
Чин Имонли бўлсин деб,  
Имон сўзин десин деб,  
Эзгу ишлар қилсин деб,  
Шунда Кавий Виштаспа  
Беҳдинни қабул этиб,  
Юз ўғирди ўшанда  
Деву жин инончидан  
(Қутулди у тоабад  
Этиб девлар динин рад)<sup>36</sup>.

Ушбу таърифдан кўринадики Виштаспа Зардустийликни қабул қилмасидан олдин ҳам Кавий титулида бўлган. Ҳукмдорлик, салтанат, амал ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. “Авесто”да салтанат, баҳт қуши хварно деб аталган. Кимгаки, хварно (фар) қўнмай туриб шоҳликни, ҳукмдорликни даво қилса, ноқонуний ҳисобланган, Кавийликни Ахура Мазда ато қиласи деган тушунча ҳукмрон бўлган:

Кавийча Хварнодир,  
Маздадан у атодир<sup>37</sup>.

<sup>36</sup> Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоков таржимаси. Т., 2001. 122 бет.

Юрт хокимлари, подшоҳлар, Кавийлар кучли қудратга эгалиги, уларга хварно насиб этганлиги, нафақат уларга балки уларнинг авлод-аждодларига, ворисларига ҳам бу қудрат мерос эканлиги куйланган:

Юрт хокими, подшоҳлар

Эга бўлган қудратдан,

Уларнинг ворислари

Насибдор ул қудратдан

Кавийусанда бор эди,

Кавийусанга ёр эди<sup>38</sup>.

Демак, Кавийлик титули наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтиши, Ахура Мазда томонидан тасдиқлаб қўйилган ва Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрияда ва Дрангианада ҳукмронлик қилган.

Кавий титулидан ташқари “Авесто”нинг энг қадимги Гат ва Яшт қисмларида бошқарув тизимини ифодалаган бир қатор титуллар сакланиб қолганки, уларни археологик маълумотлар билан таққослаб, ижтимоий муносабатлар тарихини тиклаш имконияти туғилмоқда. Шундай терминлардан бири “састар” бўлиб, авестошунос олим В.А. Лившицнинг фикрига қараганда ўлка (оазис) ва унинг маркази ҳукмдори мансабида бўлган<sup>39</sup>. Худди шу фикри академик Э.В. Ртвеладзе ҳам қўллаган, ва “Авесто”даги састан тушунчасини археологик манбалар билан, яъни Бандиҳон ўлкасини састан сифатида тан олади ва ўлканинг маркази сифатида Бандиҳон 1 ёдгорлигини кўрсатиб ўтади<sup>40</sup>. Олимнинг фикрича, ўлкани бошқарган ҳукмдор ҳарбий бошлиқ вазифасини ҳам бажарган.

Қадимги Бақтрияда шундай ўлкаларнинг нечтаси аниқланган, умуман оазис-ўлканинг қандай тарихий маъноси, аҳамияти бор? Фикримизча, ўзбекча ифодалаганда “дехқончилик ўлкаси” деб аталсагини тарихий маъно ва маъни беради. Масалан, Бандиҳон дехқончилик ўлкаси деб аталса, шу ўлкани сув

<sup>37</sup> Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Т., 2001. 111 бет.

<sup>38</sup> Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Т., 2001. 101 бет.

<sup>39</sup> Лившиц В.А. Общество авесты // История таджикского народа. Т.1. М., 1963. С. 147.

<sup>40</sup> История государственности Узбекистана. Том 1. Ташкент 2009. С. 334.

манбаси билан таъминлайдиган дарё ёки канал, дехқончилик қилинадиган суғориладиган ер майдони, ёдгорликлар мажмуаси, кенг чорва яйловлари майдонлари тушунилади. Шу дехқончилик ўлкани бошқарган ҳукмдорни “Авесто”да састар деб атаган бўлиши мумкин.

“Дахиюпати” термини эса “вилоят ҳукмдори” маъносини англатади. Э.В. Ртвеладзе бу вилоятларни Юнон манбаларида эсланадиган Габаза, Паретака ва Бубакена мамлакатларига таққослади<sup>41</sup>. Археологик жиҳатдан бир неча дехқончилик ўлкалари бирикиб вилоятни ташкил этган. Жумладан, Уланбулоқсой ва Шеробод дехқончилик ўлкалари Паретакани, пойтахти Шерободдаги Жондавлаттепа ёдгорлиги, Бандихон, Миршоди, Сангардак дехқончилик ўлкалари Бубакена вилоятини-мамлакатини, Сурхондарёнинг ўрта ва қуий оқим дехқончилик ўлкалари эса Габаза вилоятини ташкил этган. Дахъюлар дахъюпатиси эса вилоятлар бирикмасини – Бақтрияни ташкил этган.

---

<sup>41</sup> История государственности Узбекистана. Том 1. Ташкент 2009. С. 335.

## **I. 2. Қадимги Бақтрия аҳолиси анъаналарининг дағн усулларидаги кўриниши.**

Зардустийлик теологиясига кўра “нариги дунё” тушунчаси йўқ. Шунга кўра мурдаларга муносабат масаласи ҳам анча кескин кечган. Мурдага, ҳаттоқи мурдалар билан боғлиқ ишларни бажарувчи насассаларга тегиб кетиши ҳам мумкин бўлмаган. Зардустийлик урф-одатлари бўйича насассалар мурдалар билан боғлиқ барча маросимларни бажаришган. Насассалар алоҳида, яъни жамоадан ажратилган жойларда яшашган. Улар жамоа жойларига борганда қўнғироқ тақиб олишга мажбур бўлишган. Кўнғироқ товушини эшитган зардустийлар улардан қочишга, тегиб кетмасликка ҳаракат қилишган<sup>42</sup>.

Зардустийлар таълимоти бўйича ер, сув, ҳаво ва олов илоҳий ҳисобланган ва уларнинг ифлосланишига ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаган. Албатта мурдаларнинг мана шу тўртта унсурга тегиши умуман мумкин бўлмаган. Шунинг учун уларнинг таълимоти бўйича мурдаларнинг алоҳида жойда ўргатилган ит ёки ёввойи қушларга етини едирган ва етдан тозаланган суюкларни маҳсус осталон (устадон, стухан, суюк) идишларга—оссуарийларга солиб, наусларга кўмишган.

Марғиёна ва Бақтриянинг бронза даврига оид дехқончилик маданиятларида майитни уйларнинг поллари, деворлари ва йўллар тагига кўмиш урф бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб эса алоҳида қабристонлар ташкил этилади. Майит билан бирга кулолчилик ашёлари, тақинчоқлар, меҳнат қуроллари ва ниҳоят гўштли ва донли маҳсулотлар қўшиб кўмиш одат бўлган<sup>43</sup>. А.А. Аскаров ва унинг шогирдлари ўрганиб келаётган Сополли

<sup>42</sup> Boyce M.A. History of Zoroastrianism. Vol. II. Under the Achaemenians. Leiden-Koln, 1982, P.305.

<sup>43</sup> Аскаров А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973; А.А.Аскаров. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977; А.А.Аскаров, Т.Ш.Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993; В.М.Массон. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА №79. - М., Л., 1959; В.И.Сарианиди. Древние земледельцы Афганистана. - М., 1977.

маданияти даврида энг кенг тарқалган майитни ерга лаҳад қазиб кўмиш одати энди умуман учрамайди<sup>44</sup>.

Бақтрия, Марғиёна ва Сўғдиёнанинг илк темир даври ёдгорликлари сўнгги 50 йил мобайнида ўрганилиб келинмоқда. Аммо, шу даврда қабристонларнинг учрамаслиги, бу худудларда зардуштийлик урфи бўйича дафн этиш маросимлари ёйилганлиги ҳақида ўйлашга асос бўлади. Археологлар томонидан Шимолий Бақтриянинг илк темир даврига оид Бандихон ёдгорликлари мажмуасида, Миршоди воҳасининг Қизилча манзилгоҳида ва Қизилтепа қазишмаларида, Сўғд ҳудудидаги Сангиранепа ёдгорликларида ва ёдгорлик атрофларида сочилган одам суюкларини топишган. Бу ҳолатни кузатган А.С. Сагдуллаев Страбоннинг «Бақтрия атрофлари одам суюклари билан тўла эди. Македониялик Александр бу маросимга барҳам берди» деган хабарини тарихий ҳақиқат деб қабул қилишни таклиф этади<sup>45</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, Яз I даврига келиб Бақтрия, Марғиёна ва Сўғд ҳудудларида қабрларнинг учрамаслиги, ёдгорликлар ва ёдгорлик атрофларида одам суюкларининг сочилиб кетганлиги зардуштийлик ёки зардуштийлик урф-одатларига яқин бўлган дафн маросимининг тарқалганлигини кўрсатади.

Киши даврида, ёмғир ва қорли кунларда мурдага қандай муносабатда бўлиш тўғрисида ҳам «Авесто»дан айрим маълумотларни топишимиш мумкин. Ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда майитлар учун алоҳида хона - «ката» қурилганлиги маълум (“ката”, “кatak” - кичик хона)<sup>46</sup>. Қурилган хонанинг кўлами одам тик турганда боши шипга, ётганда эса қўл ва оёқлари деворларга тегмаслиги лозим бўлган. Шу ерда мурда маълум вақт, токи «қушлар учиб келгунча ва қунлар исигунча» сақланиши мумкин бўлган. Фикримизча, археологик жиҳатдан шундай хона Қизилтепа қазишмалари чоғида ҳам ўрганилган. Ушбу хонадан одам суюкларининг бўлаклари

<sup>44</sup> А.С.Сагдуллаев. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Ташкент-Урганч, 2001, 21 бет.

<sup>45</sup> Сагдуллаев А.С. Ўша асар, 22-бет; Страбон, IX китоб, 3.

<sup>46</sup> «Авесто». Видевдат, 8.5.

топилган. Ўрганилган хонанинг сатҳи 9 кв.м бўлиб, қалин тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган. Бу хонадан ҳеч қандай археологик топилма, шунингдек иситиш ва ошхона ўчоқлари излари ҳам топилмаган. А.С. Сагдуллаевнинг фикрича, бу хона турар жой ёки хўжалик хонаси вазифасини бажармаган ва бронза давридаги ўликни хона поллари ва деворлари тагига кўмиш анъanasининг сақланиши деб ҳисоблайди<sup>47</sup>. Бизнинг фикримизча, бу ерда археология ва «Авеста» маълумотлари уйғунлашган, яъни «Авеста»да таърифланган «ката» ўрганилган.

Сўнгги йилларда Аҳамонийлар империяси марказларидан бири - Персополь шаҳри харобаларида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бу шаҳарда ўликни ерга кўмиш одатининг жуда кўплаб сақланиб қолганлиги зардуштийликнинг Эрон худудига, хусусан унинг марказларига ҳам тўлиқ ёйилмаганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда Бақтрияда ҳам зардуштийлик билан бир қаторда Аҳамонийлар даврида ўликларни ёкиш одати сақланиб қолганлигининг археологик манбалари бор. Академик А.А. Аскаров томонидан очиб ўрганилган Пишактепа ёдгорлигини бунга мисол қилиб кўрсатиши мумкин. Бу ерда тадқиқотчилар ёнган одам суяклари маълум урф-одатлар бўйича кўмилганлигининг гувоҳи бўлишган.

Демак, Яз 1 маданиятининг Ўрта Осиёга тарқалиши билан янги урф-одатлар ҳам тарқалган. Бу ҳолат айниқса мурдаларга муносабат масаласида жуда сезилади, археологик жиҳатдан мурдани ерга кўмиш ҳолатининг тўхтатилиши Зардуштийликнинг кенг тарқалганлигидан далолатдир.

---

<sup>47</sup> Сагдуллаев А.С. Ўша асар, 21-бет.

## **II-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ АҲОЛИСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИ ВА АҲАМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ТАРКИБИГА КИРИТИЛИШИ.**

### **II. 1. Қадимги Бақтрия ва Марказий Осиё кўчманчилари.**

Ўрта Осиё халқарининг қадимги даврлари тарихи ўрганилаётганда тадқиқотчилар кўпроқ Бақтрия ва Сўғд, Бақтрия ва Марғиёна, Бақтрия ва Қадимги Хоразм, Бақтрия ва Аҳамонийлар империяси ўртасидаги маданий алоқалар масалалари ўрганилган. Аммо нимагадир тадқиқотчилар Бақтриянинг Ўрта Осиё кўчманчи халқлари билан ўзаро муносабатлари масаласини алоҳида мавзу сифатида ўрганмаганлар.

Марказий Осиё халқлари тарихида Қадимги Бақтрия сингари кўчманчи Сак ва Массагет халқарининг ҳам ниҳоятда ўрни катта. Улар тўғрисидаги маълумотлар “Авесто”дан бошланади. Унда эсланадиган “тур”, “турлар” қабилалари бевосида Ўрта Осийнинг кўчманчи халқлари – Сак ва Массагетлар билан боғланади<sup>48</sup>.

Бақтрия ва Сак номларининг жуда кўп манбаларда бирга эсланиши, бу халқларнинг Марказий Осиё халқлари тарихида нуфузи баланд бўлганлигидан далолат беради.

В.М. Массон Аҳамонийларгача бўлган Ўрта Осиёнинг сиёсий харитасини қуидагича тасаввур қиласди: «Бақтрияда йирик сиёсий бирлашма (давлат) бўлган, унинг маданий ва сиёсий доираси Марғиёна, мумкинки, Арийлар ва Сўғдийларгача ёйилган. Иккинчи сиёсий куч кўчманчилар дунёсидир. Уларнинг ҳар хил конфедерацияси бўлган ва турли кўчманчи қабилаларни бирлаштириб турган. Мил.ав. VI аср ўрталарида гегемонлик ролини Массагетлар бажарган»<sup>49</sup>.

<sup>48</sup> Сагдулаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996

<sup>49</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргianaы. МИА, 1959 . - № 73.

Кўчманчилар дунёсида илк синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг ривожланиши тўғрисида фанда ҳар хил ғоялар кураши мавжуд. А.И. Першиц ва А.М. Хазановлар, "кўчманчилар ўз ҳолича фақат илк синфий муносабатлар даражасигача ўсиши мумкин. Кейинги ривожи фақат қўшни дехқон ва шаҳар жамоаси таъсирида ривожланади" деган бўлса<sup>50</sup>, Ю.В. Павленко "кўчманчилар дунёси ўз ҳолича, яъни цивилизациялашган қўшни жамоалардан ташқарида ривожланганда, уларга бўйсунган дехқон ва шаҳар жамоалари бўлмаганда, улардан солиқлар йифилмаганда ва ниҳоят уларнинг бир грухи ўтроқлашмаганда, ўтроқлашган ҳудудларда шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши жараёнлари кечмаганда кўчманчилар жамоаси ҳаттоки илк синфий муносабатлар даражасига ҳам чиқа олмаган бўларди", - деб ҳисоблайди<sup>51</sup>.

Бу фикрлар кўчманчи халқлар яратган моддий маданиятга эътиборсизлик ва уларнинг яшаш тарзини яхши англамаслик натижасида пайдо бўлган. Ишлаб чиқаришнинг асоси дехқон жамоаларида ер, шаҳарда хунармандчилик бўлган бўлса, чорвадор-кўчманчи қабилаларда чорвачилик ҳисобланади. Албатта, чорва шахсий мулк ҳисобланади. Чорва молларини боқадиган яйловлар жамоа тараққиётининг илк босқичларида умумий бўлган. Лекин, чорва моллари сонининг ошиши натижасида яйловлар ҳам қабила ёки қабила иттифоқчилари ўртасида бўлина боради. Сув ҳавзалари молларни боқиш ва кўпайтириш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Яйловларни, молларни, сув ҳавзаларини қўриқлаш учун эса қуролланган қўриқчилар ёки жангчилар тўдаси вужудга келади.

Кўчманчи жамоаларда кўпроқ иккита ижтимоий қатlam кузатилади. Булар катта чорвага эга бўлган ҳукмдорлар ва улар хизматида бўлган камбағал жамоалардир<sup>52</sup>. Марказий Осиё илк кўчманчиларининг оиласиий

<sup>50</sup> Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников. Основные проблемы африканистики: Этнография. История. Филология. - М., Наука, 1973. - С. 3-23; Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. - М., Наука,, 1975. - С. 275.

<sup>51</sup> Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. Киев, 1989.

<sup>52</sup> Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов IV-III вв. до н.э. по археологическим данным. Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. Киев, 1984. - С. 215-234.

муносабатлари ва ижтимоий табақаланиши масалалари «Авесто»да, антик давр тарихчилари, жумладан Геродот асарларида ўз аксини топган<sup>53</sup>.

И.В. Пьянков маълумотларига кўра, антик давр тарихчилари Ўрта Осиё кўчманчиларини қуидагича тасаввур этган: Ўрта Осиёнинг ғарбидаги чўл ва дашт қисмларини "Массагет" ("Дербик") қабилалари ..., шарқида тог ва дашт қисмларида "Сак" қабилалари ..., Танаис (Сирдарё) бўйлари ва унинг нариёғида "Дай"лар истиқомат қилишган<sup>54</sup>.

Геродот: "Массагетлар оддий кишилар, Форс тўкин-сочинликларидан бехабар", деб ёзган бўлса, Ариан "... ўта қашшоқ ҳолда яшайди, камбағал ва ҳақпарвар кишилар, ягона ютуғи ёй ва ўқ, овқати гўшт ва сут, кийимлари теридан, хукмдорлари ҳам, оддий кишилари ҳам баравар, меҳмондўст, тинчликтарвон ва озоддир<sup>55</sup>, дейди.

Сак қабилалари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар бор. "Кишлоқ ва шаҳарлари йўқ. Аравада яшашади, факат чорвачилик билан шуғулланади". Ктесий эса Сакларнинг дехқончилик билан шуғулланиши ва оз бўлса-да, шаҳарлари борлиги хусусида ёзган<sup>56</sup>.

Ўрта Осиё кўчманчиларининг сиёсий хаёти тўғрисида қуидагича маълумотлар бор: ҳар бир кўчманчи қабилаларнинг бошида шоҳ ёки малика туради. Массагетларда малика Томирис; Сакларда малика Зарина, шоҳ Аморг, шаҳзода Спартра (Мавак) ва бошқалар. Шоҳ ёки малика уруш вақтида кўмондонлик қилган, бошқа қабила шоҳларига тинчлик ёки иттифоқ тўғрисида элчилар юборган. Шоҳлик авлоддан авлодга ўтган. Ктесий маълумотларига кўра, Саклар ўлган шоҳларга катта қўргон-қабрлар қурган.

<sup>53</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. ТД. Ноябрь 1975. Ленинград, 1975. - С. 84.

<sup>54</sup> Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана... - С. 84-93.

<sup>55</sup> Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана... - С. 84-93.

<sup>56</sup> Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана ... - С. 85.

Қабрлар учбұрчак шаклда бўлиб, учи баландга қараган. Томонлари 3, баландлиги 1 стадий. Бу пирамидалар олтин тақинчоқлар билан безатилган<sup>57</sup>.

Ўрта Осиё кўчманчилари сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган халқ йиғини тўғрисида ҳам И.В. Пьянков маълумотлар тўплаган. Халқ йиғинида барча қуролли жангчилар қатнашган. Йиғинда уруш ёки сулҳ масалалари ҳал қилинган. Агар уруш тўғрисида битимга келинса, ҳамма жангга отланган. Ёзма қонунлар тўғрисида гапириш нотўғри бўлса-да, дербикларда енгил жиноятлар учун ҳам ўлим жазоси берилганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>58</sup>.

Ўрта Осиёнинг кўчманчи аҳолиси ўртасидаги ижтимоий табақаланиш тўғрисида ҳам мушоҳада қилса бўлади. Маълумки, массагетларда отлик қўшин ва пиёда аскарлар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Пиёда аскарлар камбағал табақани англатса, жанговар кийимлари олтин тақинчоқлар билан безатилган, тўлиқ қурол-аслаҳага эга бўлган, отлари ҳам безатилган отлик аскарлар эса юқори табақани англатади. Манбаларда ҳукмдор сўзини билдирувчи "династи" термини ҳам учрайди. Династилар ўз қўшинини тузиши, жангта чиқиши ва шу йўл билан ўз ҳудудини кенгайтириши ва бойлигини ошириши мумкин бўлган. Шу маънода Сак ҳукмдорининг 30.000 бош моли бўлганлиги тўғрисида манбалар бор<sup>59</sup>. Албатта, шунча молни қарам кишиларсиз ёки хизматкорларсиз боқиб бўлмайди.

Массагет, Сак ёки Даи қабилалари қолдирган моддий маданиятни ўрганиш ва шу асосда Ўрта Осиё кўчманчиларининг ижтимоий табақалари ва давлатчилиги борасида археолог олим Б.А. Литвинский изланишлари мавжуд.

---

<sup>57</sup> Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана ... - С. 85.

<sup>59</sup> Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана... - С. 84-93.

У Помир Сак қабилаларининг келиб чиқиши, ижтимоий қатламлари тўғрисида маълумотлар тўплаган<sup>60</sup>.

Сакларнинг мозор-қўрғонлари Бақтрия ерларига яқин бўлган Помир тоғларида, Сўғдиёна чегараларида—Қуи Зарафшонда, Хоразм атрофида — Қуи Сирдарёда ва бошқа ҳудудларда топиб текширилган<sup>61</sup>. Бу тадқиқотлар орасида юқорида эслатилган Б. Литвинскийнинг Помир саклари қўрғонлари қазишмаларига бағищланган тадқиқотлари дикқатга сазовар. Унда Саклар ҳаётига бағищланган ёзма манбалар, Ўрта Осиё кўчманчи халқларининг географик жойлашиши, Помир сакларининг яратган моддий маданияти намуналари масалалари ўз ечимини топган<sup>62</sup>.

Бақтрия ва Саклар тўғрисидаги маълумотлар ниҳоятда кўплаб ёзма манбаларда бирга эсланади. А.С. Сагдуллаев Ўзбекистон тарихининг қадимги даврларига бағищланган ёзма манбаларни ва маълумотларни тўплаб нашр этган. Шу тадқиқот ишида келтирилишича Геродот «Тарих» китобини милоддан аввалги 455 - 445 йиллар давомида ёзган. Бу муҳим асарида Геродот Бақтрия, Бақтра, бақтрияликларни 13 марта, сўғдларни 2 марта, хоразмликларни 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

Геродотнинг Марказий Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, аҳамонийлар ҳарбий қўшинлари сафида юртимиз халқлари жангчиларининг иштироки, уларнинг қурол-аслаҳалари, йўлбошчилари, форс - юнон урушларида уларнинг кўрсатган жасорати, халқларнинг аҳамонийлар давлатига бўйсуниши ва маҳсус хирож тўлаши, сак-мас-сагетларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи ва диний эътиқоди, Марказий Осиёдаги Акес дарёсининг сувларидан фойдаланиши ҳақида ва бошқа айрим маълумотлардан иборат.:

<sup>60</sup> Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М., 1972.

<sup>61</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996.

<sup>62</sup> Литвинский Б.А. Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М., 1972.

Шох Доро айтурки: «Ахурамазда иродаси билан қуйидаги давлатларни қўлимга киритиб, уларнинг подшоси бўлдим: Форс, Элам, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, Лидия, Мония, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Дрангиёна, Аръё, Хоразм, Бақтрия, Сўғдиёна, Гандхара, Сака, Саттагадия, Арахозия, Мака, ҳаммаси бўлиб 23 давлат»<sup>63</sup>.

... Подшо Доро ҳабар қиласи: «Бундан сўнг мен сакларга қарши улар юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўққи қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим, дарёда кемалардан қўприк қилиб, сакларни тор-мор қилдим. Уларнинг сардори Скунха исмли одамни тутиб, меним ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз хошишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остимга ўтди»<sup>64</sup>.

Шох Доро айтурки: «Бу саклар Ахурамаздани қадрлаганлар, мен Ахурамаздани улуғлайман. Ахурамазда иродаси ва ўз хошишим билан мен уларни тинчитиб қўйдим».

Шох Доро айтурки: «Форс вилоятидан ташқари қуйидаги мамлакатларни мен бўйсундирганман, менга хирож тўловчи бўлган, менинг сўзимни ижро этган, менинг қонунимга асосланиб ривожланаётган: Мидия, Элам, Парфия, Аръиё, Бақтрия, Суғдиёна Хоразм... Сака Хаумаварка, Сака Тиграхауда... денгиздан нариги ердаги саклар». 1972 йилда Суза шахрида топилган Доро I ҳайкалидаги ёзувларда Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразмдан ташқари «балчиқ ва тупрок ўлкаси саклари» тилга олинган.

Суза шахрида топилган яна бошқа ёзувларда Доро I бундай эълон қиласи: «Сузадаги саройни мен бино қилганимда унинг безаклари узоқ юртлардан олиб келинган. Ёғочи—Гандхарадан, олтин — Сўғд ва Бақтриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард — Суғдиёнадан, фируза — Хоразмдан, кумуш ва бронза — Арахозиядан, тош устунлари — Эламдан етказиб берилган».

<sup>63</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда...

<sup>64</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда...

Эрондаги қадимги Персеполь шаҳридан бақтрияликлар, хоразмликлар, сўғдлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган (Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларида бўртма расмларда турли халқларнинг хирож келтириш манзараси тасвирангандан). Персеполь саройидаги расмлар Марказий Осиё халқларининг энг қадимги тасвиридир<sup>65</sup>.

Ўн биринчи гурухда узун чўққили қалпоқлардаги саклар кўрсатилган. Улар кийим-кечакларни кўтариб ва отни етаклаб бормоқдалар. Ўн бешинчи гурухда бақтрияликларнинг беш вакили идишларни ва туюни олиб бораётганлиги тасвирангандан. Бу расмларда солик тўловчиларнинг аҳамонийларга турли хил буюмлар (хунармандчилик тикувчи-заргарлик, ҳарбий қуроллар), Қадимги Шарқда машхур бўлган отлар ва туюларни олиб келаётгани тасвирангандан.

Бақтрияликлар ва Сак қабилаларининг манбаларда бирга эсланиши юонон тарихчилари асарларида ҳам учрайди. Геродотнинг асарида Марказий Осиё халқларининг Ксеркс қўшинлари ичida қадимги дунё тарихида машхур бўлган Марафон ва Саламин жангларида (юонон-форс урушлари) қатнашганлар ҳақида маълумотлар бор. Марафон жангидаги сакларнинг отлик қўшинлари нихоятда катта жасурлик кўрсатганлар<sup>66</sup>.

Саклар ва Бақтрия чавандозлари аҳамонийлар қўшинларидаги энг жасур қисмлардан бири бўлиб ҳисобланган. Геродот хабарига қўра, Ксеркснинг отлик қўшинларида фақат айрим халқлар вакилларигина маҳсус хизматда бўлган, булар форслар, мидияликлар, саклар, бақтрияликлар, ҳиндлар, ливияликлар, каспийлар, араблар<sup>67</sup>.

Геродот муентазам равишда аҳамонийлар ҳарбий қўшинларидаги юртимиз халқларининг жангчи вакиллари ҳақида ёритади: «Бақтрияликларнинг уст-боши мидияликларнинг уст-бошига ўхшаган, улар ўқ-ёй ва калта найзалар билан қуролланганлар. Саклар (скиф қабиласи) узун

<sup>65</sup> Gerold Walser. Persepolis. Tubingen, 1980.

<sup>66</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996; Геродот. Тарих, IX. 711

<sup>67</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996; Геродот. Тарих, VII. 88.

чўққили қалпоқлар кийиб, камон ва ханжарлар билан қуролланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болталар - сагарислар бўлган. Ушбу қабила (айнан сиф қабиласи) амиргий саклар деб номланган. Форслар сифларнинг ҳаммасини саклар деб атаганлар...»<sup>68</sup>.

«Парфияликлар, хоразмликлар, Сўғдлар, гандарийлар ва дадиклар бақтрияликларнинг қуролларига ўхшаган яроғ-аслаҳалари билан ҳарбий юришни бошлиганлар. Уларнинг йўлбошчилари: парфияликлар ва хоразмликларники - Фарнак ўғли Артабоз; сўғдларники - Артей ўғли Азан бўлган». «Бактрия чавандозларининг қуроллари пиёда аскарлари қуролларига ўхшаган» Геродот. Тарих, VII, 66.

«Олдинги замонларда бақтрийлар, сўғдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган, аммо бақтрийларнинг анъаналари анча юқори маданиятга эга бўлган»<sup>69</sup>.

Страбон Аракс ҳақида бундай ҳабар қиласди: «У матиёнлар вилоятидан бошланади ва қирқ дарёга бўлиниб, сифлар билан бақтрияликларни ажратади». Тадқиқотчилар фикрига кўра, Страбон буни тарихчи Каллисфен маълумотларига асосланиб айтган. Аракс — Амударё Бактрия ерларини Помир тоғларида ёки дарёнинг ўрта оқими атрофида яшовчи саклардан ажратиб олиши мумкин эди. Ҳарбий юришларда қатнашган Каллисфен бу вазиятни аниқ кузатган<sup>70</sup>.

Босқинчилар асосан бақтрияликлар ва сак (сиф) қабилаларидан ваҳимага тушиб турган. Буюк Александр ҳам ноқулай вазиятдан қўрқсанлиги тўғрисида қуйидаги маълумотни ўқишимиз мумкин: «У душмандан эмас, ноқулай вазиятдан қўрккан эди. Бақтрийлар исён кўтарадилар, сифлар безовта қиласдилар, унинг ўзи зўрга оёқда туриб, отга минишга ҳам, йўлбошли бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади...»

<sup>68</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996; Геродот. Тарих, VII. 64

<sup>69</sup> Страбон, «География». XI китоб, XI боб, 3

<sup>70</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент. «Ўқитувчи», 1996; Страбон, XI, 14, 13.

Келтирилган манбаларнинг ҳаммаси ҳам ишонарли ва илмий деган фикрдан йироқмиз. Геродот Марказий Осиёда халқлар жойлашувидағи нафақат аниқ, балки умумий чегаралардан ҳам беҳабар бўлган. Тарихчи массагетларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида бундай ёзади: «...шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида жойлашган... Аракс дарёси Матиёна тоғларидан бошлаб оқади». Араке—бу Амударё. Матиёна тоғлари, Геродотнинг тушунишича, Помир ёки Ҳиндикуш тизмаларири, чунки тарихчининг айтишича, Матиёна тоғларидан Ҳинд дарёси ҳам бошланади.

Танаис бақтрийларни скифлардан ажратади ёки ... Саклар, Осиёнинг чегара ерларида жойлашган Бақтрияга ҳам қўшни бўладилар. Улар жойлашган шимол ерларидан нарироқда қалин ўрмонзорлар ва охири йўқ жим-жит сайхон ерлар бошланади; Танаис ва Бақтрия бўйлаб жойлашган ерлар умумий маданий изларга эга деган маълумотларидан ҳақиқий тарихни тиклашда фойдаланиб бўлмайди.

Ёзма манбалар ва ўтказилган тарихий тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиё кўчманчилари номларини ва улар ҳақидаги манбаларни қуидаги таблицада бермоқчимиз, зоро уларнинг сонининг кўплиги кўчманчилар тарихи бўйича янги хulosадар берса ажаб эмас.

**Таблица № 1. Ўрта Осиё күчманчи халқлари рўйхати.**

№	Кўчманчи халқ номи	Кўчманчи халқ ҳақидаги ёзма ёки тарихий манба
1.	“Тур”	Авесто. Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси. Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2001.
2.	“Сак”	Геродот. История в девяти книгах. I, 131. 153. (пер. Г.А. Страновского). Л., 1972.
3.	“Тиграхауда” саклари	Геродот. I. 131.
4.	“Хаумаварга” саклари	Геродот. I. 133.
5.	“Тиградарайа” саклари	Геродот. I. 132.
6.	“Орол бўйи сак”лари	Геродот. I. 150.
7.	“Массагет”	Геродот. I. 134.
8.	“Скиф”	Геродот. I. 131.
9.	“Дербик” (массагет)	Ариан. Поход Александра.(Пер. М.Е. Сергеенко). М.-Л., 1962.
10.	“Боспор” скифлари	Ариан. Поход Александра...
11.	“Абии” (“Азии”)	Ариан. Поход Александра...
12.	“Ўрта Осиё скиф”лари	Пьянков В.И. Река Ох и Арьяна Вайджа. Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. М., 1983.
13.	“Даи”	Квинт Курций Руф. История Александра...
14.	“Савромат”лар (Ўрол бўйи)	Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Пер. В.С. Соколова. М., 1963.
15.	“Сўғд орти” саклари	Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов // Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. ТД. Ноябрь 1975.
16.	“Ўрмон” ёки “балчик	Пьянков И.Н. Общественный строй ранних

	Сак”лари	кочевников Средней Азии ...
17.	“Тупроқ сак”лари	Квинт Курций Руф. История Александра...
18.	“Апасиаки” (“апаси”)	Арриан. Поход Александра...
19.	“Аучаси” (Массагет)	Арриан. Поход Александра...
20.	“Хорасми” лар (Массагет)	Арриан. Поход Александра...
21.	“Амирги”, Амюрги”(Сак)	Арриан. Поход Александра...
22.	“Роксанакеи” (Сак)	Арриан. Поход Александра...
23.	“Фастеи” (Сак)	Арриан. Поход Александра...
24.	“Комеди” (Сак)	Арриан. Поход Александра...
25.	“Комари” (Сак)	Арриан. Поход Александра...
26.	“Апарни” (Даи)	Арриан. Поход Александра...
27.	“Ксанфеи” (Даи)	Арриан. Поход Александра...
28.	“Писсури” (Даи)	Арриан. Поход Александра...
29.	“Исседон”лар	Пьянков И.В. Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана. ВДИ, №4. 1961.
30.	“Ортокорибанти”лар	Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). Л., 1972; Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968.
31.	”Кавказ бўйи саклари”	Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии...

Демак, манбалар бўйича Ўрта Осиёда 31 та кўчманчи халқлар номларини келтирдик. Бу рўйхатни тўғри ва тўлиқ деб даво ҳам қилмаймиз. Европада яшаган “скиф” умумлашган номда яшаган кўчманчиларни ҳам турларга бўлса бу рўйхатнинг қанча бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас<sup>71</sup>.

<sup>71</sup> Кўчманчилар дунёси тарихини алоҳида мавзу сифатида ўрганиш, улар яшаган ҳудудларни аниқлаш, улар яратган бой моддий маданият тарихини ўрганиш давр талабига айлануб бормоқда.

## **II. 2. Қадимги Бақтрия аҳолиси Аҳамонийлар империяси таркибида.**

Бизнинг фикримизча адабиётларда Аҳамонийлар даври сиёсий тарихи В.В. Струве, В.М. Массон, М.М. Дьяконов, М.А. Дандамаев, Р. Фрай, В.А. Лившиц, Е.В. Зеймал, А.С. Сагдуллаев томонидан яхши ва тўлиқ ёритилган десак тўғри бўлади<sup>72</sup>. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда Ўрта Осиё, жумладан Бақтрия ҳам Кир II даврида Аҳамонийлар империяси таркибига киритилган. Ҳақиқатдан ҳам Доро томонидан Бехистун ёзувларида келтирилган сатрапликлар рўйхатида Ўрта Осиёning деярли барча худудлари келтирилган, демак тадқиқотчиларнинг фикрларига ҳеч қандай эътиrozлар йўқ, эслаб ўтилган рўйхат бўйича Бақтрия XII сатрапликни ташкил этган. Шундай бўлсада, С.П. Тольстов Хоразмнинг Эрон империяси таркибига кирганлигига шубҳа билан қарайди. Аммо, В.М. Массон Хоразмнинг ҳам Аҳамонийлар таркибига кирганлигини илмий изоҳлаб берган ва XVI сатраплик дея, унинг таркибига яна Сўғд ҳам кирганлигини асослаган<sup>73</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кирнинг Ўрта Осиёни босиб олиш вақти, тафсилотлари, воқеалар тўғрисида аниқ маълумотлар деярли учрамайди, шундай бўлсада Ктесий шарқда асосий рақиб сифатида Бақтрияликларни санаб ўтиш билан бирга Бақтрияликларнинг ўз хохиши билан империя таркибига кирганлигини ёзиб қолдирган.

Аниқ маълумотлар бўлмаса-да олимлар Аҳамонийларнинг Ўрта Осиёни босиб олиш вақтини аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб борганлар. Бу борада асосан иккита фикр мавжуд. Иккита фикр ҳам Аҳамонийларнинг Европага - ғарбга сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлари асосида олинган ва хулосалар қилинган. Биринчи фикр тарафдорлари Р. Гиршман бўлиб, унинг ёзишича, Ўрта Осиё Кир державасига 547 йилдан, яни Лидиянинг вайрон

<sup>72</sup> Струве В.В. Поход Дария 1 на Саков-массагетов. Изд. АН СССР, 1946, №3, С. 229-250; Струве В.В. Восстание В Маргiana при Дария 1. МЮТАКЕ. Вып.№1. Ашгабад, 1949. С.9-34.

<sup>73</sup> Тольстов С.П. По следам древнекорезмской цивилизации. С. 104, Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргiana. С. 137.

етилиши ва 439 йилда Бобилнинг олиниши оралиғида киритилган деб ёзади<sup>74</sup>. Иккинчи фикр Б.А. Тураевга тегишли бўлиб, у Ўрта Осиё халқлари Бобил қўлга киритилгандан сўнг босиб олинган деб ҳисоблайди<sup>75</sup>. Кейинги йилларда яратилаётган адабиётларда ҳам бу ҳақда жўяли бир фикр айтилгани йўқ, маълумотларнинг йўқлигига ишора қиласиди, холос.

Фикримизча, Француз археологи ва тарихчиси Р. Гиршманнинг, яъни Лидия ва Бобил юришлари оралиғида Ўрта Осиё Аҳамонийлар империясига таркибиға киритилган деган фикри ҳам ноилмий, негаки деярли юз йиллик оралиқ вақтнинг кўрсатилиши ишонарсиз ва фундаментал фанга хизмат қилмайди.

А.С. Сагдуллаев энг сўнгги нашр ишларида Ўрта Осиёга Аҳамонийларнинг ҳарбий юришлар 540 йилда Кир II томонидан бошланган ва 519 йилда Доро I томонидан якунланган деган қатиий санани кўрсатган<sup>76</sup>. Муаллиф Ктесийнинг Бақтрия, Согдиана ва Хоразм ўз хохиши билан Аҳамонийлар империяси таркибиға кирган, - деган маълумотига умуман қарши чиққан ва археологик маълумотлар асосида, Кир ва Доро босқинларининг тафсилотларини, Ўрта Осиё шаҳарлари ва қалъаларининг вайронага айланганлиги, ёнғин изи ва кул қатламларининг қалинлиги Бандиҳон, Қизилтепа шаҳарларида 0,30-0,40 метргача кузатилганлигини таъкидлайди ва бу талофат излари айнан Кир босқинига қарши кураш натижалари эканлигини кўрсатиб берган, бу шаҳар мудофаачиларининг мардонавор жангидан ўз Ватанларини, қўрғонларини ҳимоя қилганлигининг ашёвий далилидир.

Манбаларда Аҳамоний ҳукмдорларга империяни бошқариш ниҳоятда оғир бўлган, чунки унинг таркибида ривожланган Европа мамлакатларидан тортиб, Осиёning қўчманчи халқларигача бор эди, Кир босқини вақтида Массагетлар уруғчилик жамоаси ва унинг емирилиш даврида яшамоқда эди

<sup>74</sup> Ghirshman R. Iran desss l'Islam. Paris, 1951. P. 111-112.

<sup>75</sup> Тураев Б.А. История древнего Востока. 2. Ленинград, 1935. С.18.

<sup>76</sup> История государственности Узбекистана. Том 1. Ташкент 2009. С. 89.

деган маълумотлар ҳам сақланиб қолган<sup>77</sup>. А.С. Сагдуллаев бу фикрга ҳам қарши бориб, Сак ва Массагет халқлари ҳукмдорлари ва ҳарбийларига тегишли бой қўрғонлар ва “Авесто” маълумотлари асосида Ўрта Осиё кўчманчиларининг иттифоқи, сиёсий бирлашмалари ва давлатлари бўлганлигини асослаб берган.

Тарих отасининг берган маълумотлари асосида илмий ва адабий асарларда Кир ва Массагетлар маликаси Тўмарис воқеалари ҳар хил варианларда ёритилган, ташқи душманларга қарши курашда Тўмарис Ўрта Осиёлик халқ қаҳрамони даражасига кўтарилди. Бу тўғри, албатта.

Герадот берган хабарлар асосида жой, тоғ ва дарёлар номлари локализация қилинган, умумий хулосаларга кўра Кир ва Тўмарис ўртасидаги жанг Қадимги Хоразм ҳудудида, Массагетлар юртида юз берган.

Бўлиб ўтган тарихий воқеалар тўғрисида бир қатор саволлар туғиладики, биз тарихчилар бу жумбокларга ечим топишимииз керак деб ўйлаймиз. Шундай саволлардан бири замонасининг энг кучли қуроллари билан таъминланган, кўп сонли Кир қўшинларининг кўчманчи Массагет қабиласидан енгилиш сабабларини ўрганиш тарихнинг ўқилмаган саҳифаларини янада ойдинлаштиради.

Босқинчиларга қарши, Ватан ҳимояси учун курашнинг кучи замонавий қуроллардан-да кучлилиги, Ватан ҳимояси мустақил Ўзбекистон фуқорасининг маънавияти асоси эканлигини ҳар биримиз англаб етишимиз керак ва зарур. Бунда Тўмарис воқеаси ҳар бир ўзбек миллати вакилининг ифтихор туйғуси бўлиши шарт.

Массагетларнинг Буюк Кир устидан қилган ғалабасининг энг асосий сабаби Ватан ҳимояси учун, озодлик учун Марказий Осиё кўчманчилари (Саклар, Массагетлар, Дербиклар ва бошқалар) ўртасида ҳарбий шартноманинг, ҳарбий иттифоқнинг мавжудлиги ва шу иттифоқнинг биргалashiб ташқи душманга қарши кураши натижасида Кир мағлуб бўлган. Ўрта Осиё кўчманчилари ва Аҳамонийлар империяси ўртасидаги

<sup>77</sup> Дандамаев М.А. Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980. С.108.

муносабатлар масаласи алоҳида мавзу бўлиб, биз муҳокама қилаётган мавзуга кирмаганлиги сабабли умумий хуносалар билан чекланамиз.

Иккинчи савол Кирнинг боши кесилган мурдаси ҳақида бўлиб, Герадотнинг ёзишича Аҳамоний ҳукмдорнинг боши қонга тўлдирилган мешга солинди ва Тўмариснинг “Кирни қонга тўйдирганлиги” ҳақидаги оташин нутқи айтилди. Хўш, ундан кейинги воқеалар тафсилоти қандай кечган? Мурда массагетлар “оёғи остида бўлса”, Персополдаги “Буюк Кир, Аҳамоний ҳукмдор” номига қурилган энг катта мақбара қандай пайдо бўлди? Массагетлар маликасидан Кирнинг мурдаси қандай қилиб олинди? Қадимги Хоразм ва Аҳамоний ҳукмдорлар ҳилхонаси оралиғидаги масофа қандай босиб ўтилди? Массагетлардан Аҳамоний ҳукмдор мағлуб бўлган бўлса, Ўрта Осиёликлар жумладан, Массагетлар қандай қилиб Аҳамонийлар ҳукмронлигига қарам бўлиб қолди? Бу саволлар ўринли саволлар ва тарихчилардан ойдинлик киритиш керак бўлган илмий мавзулар ҳисобланади.

Фикримизча, биз тарихчиларнинг Аҳамонийлар даврини ўрганиш бўйича бир қатор камчилликларимиз борки, бу камчилликлардан бири шу давр бўйича чет эл адабиётларини ниҳоятда кам билишимиз бўлса, Эрон тарихчиларининг Ислом давридан аввалги тарихга иккинчи даражали деб қарашлари ва Аҳамонийлар давридан қолган моддий ва ёзма манбаларнинг кўп ҳолларда ўрганилмаётганлигидир.

Шундай бўлсада, баҳоли қудрат, бор манбалар асосида Аҳамонийлар даврида Бақтриянинг сиёсий тарихини ўрганиш асосида унинг Қадимги Шарқ дунёсида тутган ўрнини белгилашни лозим топдик.

Бақтриянинг жойлашган географик ўрни, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига нисбатан иқтисодий ва сиёсий устунлиги, қадимдан ривожланган Шарқ халқлари билан савдо ва маданий алоқалари, энг асосийси ўзига хос қудратли ҳарбий санъатга эга бўлганлиги Ктесийга “Бақтрия шарқдаги энг асосий рақиблардан бири”, деган мулоҳазани ёзишга асос бўлган.

Бақтрияда Аҳамонийлар империясидан олдин ҳам, Қадимги Бақтрия Кавийлиги замонидан бошлаб ҳудудий ижтимоий-сиёсий бирлашмалар – қишлоқлар, қишлоқлар уюшмаси, деҳқончилик ўлкалари ва вилоят бирлашмалари мавжуд бўлган, “Авесто”да уларни виспати, дахъюпатилар бошқарганлигини кўриб ўтдик.

Қадимги юонон тарихчилари Аҳамонийлар империяси босиб олган ҳудудларда маҳаллий бошқарув усуулларига аралашмаганлиги, факат солик сиёсати билан шуғулланганлигини эслаб ўтган. Шу қоида асосида фикрлайдиган бўлсак, Аҳамонийлар империяси даврида Бақтрияда маҳаллий бошқарув Қадимги Бақтрия Кавийлиги анъаналари асосида, яъни авесточа виспати, даҳйўюпатилар ўз фаолиятини давом эттирган.

Бақтриянинг Аҳамонийлар империяси таркибида тутган сиёсий ва иқтисодий мавқеини англаш учун тарихчиларга маълум ёки номаълум бўлган айрим маълумотларни келтиришни лозим топдик, бу маълумотлар кўйилган мавзуни ечишда кўмакчи бўлиб ҳизмат қиласа ажаб эмас.

Маълумки, Доронинг ўлимидан сўнг унинг ўғилларидан бири Ксеркс (486-465 й.й.) ҳокимиятга келади. Ксеркс замонида ҳокимият учун ҳам, сатрапликлар ҳудудларида ҳам ҳар хил қўзғолонлар болиб ўтган. Ксеркснинг ўзи бу ҳақда шундай маълумотлар қолдирган: “Мен шоҳ бўлгандан сўнг мамлакатда, сатрапликлар ўртасида ҳар хил қўзғолонлар бўлиб ўтди. Сўнг менга Ахура Мазда ёрдам берди, унинг ёрдами билан бу мамлакатларни енгдим ва тинчлик ўрнатдим”. А Олмстеднинг тадқиқотларига кўра қўзғолон кўтарган мамлакат Бақтрия бўлган. Бош кўтарганларнинг бошлиғи Аҳриман бўлиб, илгари у Бақтрия сатрапи бўлган. Аҳриманнинг мағлубиятидан кейин aka - ука Ксеркс ва Аҳриман ўртасида тинчлик шартномаси тузилган ва Аҳриман империядаги иккинчи шахсга айланган<sup>78</sup>. Маълумотларга қараганда aka - укалар ўртасидаги тинчлик шартномасидан кейин ҳам Бақтрияда қўзғолонлар давом этган ва бу қўзғолонлар Ксеркс томонидан бостирилган. Бу воқеалар Ўрта Осиё, энг аввало Бақтрия сапраплигининг Аҳамонийлар

<sup>78</sup> Olmstead A. History of Persian Empire. Chicago, 1948.P. 231.

империясида етакчи ўринга эга эканлигини тасдиқлайди. Ўрта Осиё вилоятларининг иқтисодий ривожланиши, ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий мустақиллик учун кураш, Аҳамонийлар империясига қарши қўзғолон ва курашлар Бақтрия орқали амалга оширилганини кўрсатади. Бақтрия сатрапининг доимо форслар томонидан тайинланганлиги, тайинланган сатрапнинг Аҳамонийлар империясини бошқаришда обрўга эгалиги ҳам Бақтрияниң нуфузидан дарак беради.

Бақтрияниң Аҳамонийлар империясини парчалаб юборишгача бўлган қудратга эга бўлганлигини Масиста воқеасидан ҳам билса бўлади. Тарих отасининг хабарига кўра Масиста Гиштасп сингари Доро ва Атоссининг ўғли бўлиб, форсларда қўшин қўмондони бўлган. Ксеркс уни ҳақорат қилгандан сўнг айнан Бақтрияга келади ва халқни Ксерксга қарши қўзғолонга тайёрлайди. Ксеркс йўлда Масистани ўлдиришга муваффақ бўлади ва империяни парчаланиш ҳалокатидан қутқариб қолади<sup>79</sup>.

Артаксеркснинг акаси, Бақтрия ҳукмдори Гиштаспнинг Аҳамонийлар империяси таҳтига даво билан чиқиши Бақтрияниң, унинг ҳукмдорининг форслар империяси сиёсий ҳаётидаги ўрнидан дарак беради. Гиштаспнинг хокимиёт учун аввалги урунишлари натижа бермаса-да, лекин курашлар давом этгандан сўнг, В.Бартольднинг сўзи билан айтганда “Бактрияликларниң бағрига шамол теккан”<sup>80</sup>.

Бактрия ҳукмдори Бесс ўзини “Осиё ҳукмдори” деб эълон қилиши<sup>81</sup> ва Артаксерксга тегишли “тож”ни қабул қилишини Бақтрияликларниң ва умуман Ўрта Осиёликларниң мустақиллик учун кураши деб тушунсак тарихни тўғри англаган бўламиз. Ёки Аррианнинг Бақтрия аристократларининг Зариаспа чақирилган съездидаги хабари Бақтрияликларниң сиёсий мустақиллик томон катта қадами дея баҳоланиши зарур<sup>82</sup>.

<sup>79</sup> Геродот. III. 21.

<sup>80</sup> Бартольд. К истории персидского эпоса. ЭВО, XXII, СПб, 1914. С.259.

<sup>81</sup> Арриан. Аналасис. 25.3.

<sup>82</sup> Арриан. Аналасис. 4,1,5.

Бақтрияниң Аҳамонийлар империяси таркибида кириши оқибатларининг икки томони бор. Биринчиси, Бақтрия халқи маҳаллий ва босқинчи хукмдорлар томонидан эксплуатация қилинган бўлса, иккинчи томондан Бақтрияликларнинг Шарқ халқлари билан савдо ва маданий алоқаларнинг кучайишига олиб келган.

Бақтрия Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданиятида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмаганлиги, яъни ўз йўлида ривожланганлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилганлиги хусусида ҳам тадқиқотчилар ўз фикрларини айтишган<sup>83</sup>.

Аҳамонийлар империясининг XII сатрапи ҳисобланган Бақтрия ўлкасида археологлар томонидан ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб аҳамонийлар даври ёдгорликлари ўрганилиб келинмоқда. Дастреб, Жанубий Тожикистон худудидаги Қалаи Мир<sup>84</sup>, Болдай тепа<sup>85</sup> ёдгорликлари ўрганилиб, шу тадқиқотлар асосида М.М. Дъяконов Бақтрияда илк синфий муносабатлар ва давлатчилик бўйича дастребки фикрларни айтди<sup>86</sup>. Сурхон воҳасида эса 60 йиллардан бошлаб Аҳамонийлар даври ёдгорликлари аниқланиб ўрганила бошланди<sup>87</sup>. Ҳозирги кунда эса фақат Сурхон ва Шеробод воҳаларида шу даврга оид ўнлаб ёдгорликлар аниқланган бўлиб, айrim ёдгорликлар тўлиқ очиб ўрганилган<sup>88</sup>.

<sup>83</sup> Гафуров Б.Г. К 2500-летию Иранского государства. История иранского государства и культуры. - М., 1971. - С. 5-37.

<sup>84</sup> Дъяконов М.М. Археологические работы в нижнем течении реки Кафирниган. МИА., №37, 1958; Забелина Н.Н. Раскопки на городище Калаи-Мир. МИА, №37, 1958.

<sup>85</sup> Зеймаль Т.И. Древнеземледельческое поселение Болдай-тепе. МКТ, Вып.2, Душанбе, 1971.

<sup>86</sup> Дъяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии// СА. - М., XIX, 1954.

<sup>87</sup> Пугаченкова Г.А. Халчаян. Ташкент, 1966; Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа в Узбекистане. МСПИАРИ. Тезисы докладов, Баку, 1965.

<sup>88</sup> Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1979; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000.

Э.В. Ртвеладзе шу давр ёдгорликларини 5 та сугорилиш районига (Уланбулоқсой, Шеробод, Бандихонсой, Миршоди, Вахшувар) бўлган бўлса, А.С. Сагдулаев 8 та районга ажратган<sup>89</sup>.

Бақтрияниң Аҳамонийлар даври ёдгорликлари А.С. Сагдулаев томонидан бешта типга бўлинган:

1. Тарқоқ ҳолда жойлашган қалъли қишлоқлар;
2. Тарқоқ ҳолда жойлашган катта қишлоқлар;
3. Мудофаа девори бўлмаган кичик қишлоқлар;
4. Мудофаа деворлари билан ўралган кичик қўрғонлар;
5. Шаҳарлар<sup>90</sup>.

Э.В. Ртвеладзе ҳам худди шунга ўхшаш типологияни таклиф этган, лекин у ҳарбий истехкомларни (қалъа) алоҳида тип сифатида ажратган<sup>91</sup>.

Фикримизча, юқорида эслаб ўтилган ёдгорликлар типологиясида ёдгорликларнинг функцияси эътиборга олинмаган. Масалан, тўлиқ очиб ўрганилган Пишактепа ёки Пачмактепани улар таклиф этган типологияниң қайси типига мансуб эканлигини айтиш қийин. Ёки, А.С. Сагдулаев Кучуктепа ва Қизилча VI ёдгорликларини бир типга, яъни мудофаа деворлари билан ўралган қўрғонлар тоифасига киритилганлигини қандай тушуниш мумкин? Биринчиси тўрт метр қалинликдаги платформа устига қурилган, уч қатор мудофаа девори билан ўралган бўлса, иккинчиси ҳовлили кичик қўрғондан иборат бўлган ёдгорликлар бир тоифага киритилганлиги каби масалалар бизни ушбу масалага яна бир бор қайтишга унади. Шимолий Бақтрияниң Аҳамонийлар даври ёдгорликларини куйидаги типларга ажратиш мумкин:

Арк ва шаҳристон қисмдан иборат бўлган, мудофаа деворлар билан ўралган, умумий майдони 22 гектаргacha бўлган шаҳарлар. Шимолий Бақтрия

<sup>89</sup> Ртвеладзе Э.В. К характеристику памятников Сурхандарьинской области ахеменидского вреини. СА.. №2, 1975; Сагдулаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987.

<sup>90</sup> Сагдулаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (по материалам памятников района Шурчи-Байсона). Автореф. дисс. ... к.и.н. - Л., 1978. - С. 7.

<sup>91</sup> Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия - Средневековый Токаристан. Динамика историка-культурного развития (по материалам амударынского правобережья). Автореф. дисс. ... д.и.н. - М., 1988. - С. 8.

худудида Қизилтепа, Хайтободтепа, Жондавлаттепа, Байтудашт IV, Қалаи Мир каби ёдгорликлар шаҳарлар тоифасига киради.

Шимолий Бақтрия ҳудудида жойлашган Қизилтепа шахридан бошқа биронта шаҳар типидаги ёдгорликни Бақтр шаҳри ёдгорлиги билан таққослаб бўлмайди. Аҳамонийлар империяси XII сатраплигининг пойтахти бўлган Бақтр шаҳри Бақтрия ҳудудидаги энг йирик, пойтахт шаҳар харобасидир. Қолган шаҳарлар дехқончилик ўлкаларининг маркази вазифасини бажарган. Аҳамонийлар даврида ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан шаҳарнинг жойлашиши кузатилмоқда.

Аркли қишлоқлар. Шаҳарлардан ҳудудий жиҳатдан кичик бўлиб, тарқоқ ҳолда жойлашган. Шу типдаги ёдгорликлар ирригацион районларнинг маркази вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Улар ҳудудий жиҳатдан дехқончилик ўлкасидан узокроқ жойлашган ирригацион районларда учрайди. Шундай ёдгорликлар тоифасига Кучуктепа, Обиширтепа, Добилқўрғон тепаликлари киради.

Арксиз қишлоқлар. Бир ва бир неча тепаликлар мажмуасидан ташкил топган, мудофаа деворларига эга бўлмаган, тарқоқ ҳолда жойлашган ёдгорликлар. Шу типдаги ёдгорликларга Термиз шаҳри ҳудудидаги Номсизтепа, Бандиҳонсойтепа, Бобиртепа, Болдайтепа, Байтудашт I тепаликларини киритиш мумкин.

Қўргонлар. Бир ва бир неча патриархал оиласига мўлжалланган, ҳудудий жиҳатдан энг кичик бўлган, алоҳида жойлашган қўргонлар. Мисол тариқасида Қизилча I-XI, Байтудашт II-III ёдгорликларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу тип ёдгорликлар Қизилча VI мисолида А.С. Сагдуллаев томонидан батафсил ўрганилган<sup>92</sup>.

Ҳарбий истеҳком, қалъалар. Алоҳида жойлашган, ўз замонасининг энг мукаммал мудофаа иншоотларига, яъни 5 метр қалинликдаги мудофаа деворлари ва буржларига эга бўлган ёдгорликлар тоифаси. Доира шаклида

---

<sup>92</sup> Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987.

қурилган Талашқон I, квадрат шаклидаги Бандихон II ёдгорликлари ҳарбий истеҳкомлар тоифасига киради<sup>93</sup>.

Ибодатхоналар. Ушбу тоифадаги ёдгорликларга Пачмактепани киритиш мумкин. У пиллапоя услугуда, квадрат шаклида қурилган платформа бўлиб, Ш.Р. Пидаев томонидан платформа устида қурилма қолдиқлари аниқланган. Тадқиқотчи ушбу ёдгорликни олов ибодатхонасининг ўрни деб ҳисоблади<sup>94</sup>.

Маълум мақсадга йўналтириб қурилган ёдгорликлар мажмуасига Пшактепани киритиш мумкин. У А.А. Асқаров томонидан ўрганилган. Ёдгорликнинг марказий қисмида коридор шакли узун иккита хона жойлашган бўлиб, улар арк услубида ёпилган. Ушбу хоналарнинг икки ёнида ҳовлисифат катта хоналар жойлашган. Ушбу мажмуанинг атрофларида ҳам коридорсимон, узун хоналар жойлашган. А.А. Асқаров ушбу ёдгорликни Кучуктепа хукмдорларининг хилхонаси бўлган деб ҳисоблади<sup>95</sup>.

Географик жиҳатдан Пачмактепа Жондавлаттепанинг, Пишактепа эса Кучуктепанинг ёнида жойлашган. Жондавлаттепа ва Кучуктепа Бақтриянинг Аҳамонийлар даврига оид энг асосий, сераҳоли ёдгорликларидан ҳисобланади. Фикримизча, Пачмактепа ва Пишактепа ёнидаги ёдгорликлар - Жондавлаттепа ва Кучуктепа ёдгорликлари аҳолисининг маънавий эҳтиёжлари учун ҳизмат қилган.

Аҳамонийлар даври ёдгорликларини типларга ажратиш шуни кўрсатадики, бу даврга келиб икки қисмли шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг жойлашиши маълум бир қонуниятга асосланган. Ҳар бир дехқончилик ўлкасида биттадан шаҳарнинг жойлашиши ва шу шаҳар атрофида қишлоқларнинг жамланиш жараёнини кузатишимиш мумкин.

Қишлоқлар ҳам топографик жиҳатдан икки типга ажralади. Шаҳарга яқин қишлоқлар тарқоқ ҳолда жойлашган уйлар мажмуасидан иборат бўлса,

<sup>93</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000. - С. 50-64.

<sup>94</sup> Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середине I тысячелетие до н.э. ОНУЗ, . - № 11, 1973. - С. 77-82; Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. Древняя Бактрия. - Л., 1974.

<sup>95</sup> Аскаров А.А. Пшактепа. ИМКУ. Вып, 17, Ташкент, 1982. - С. 33-37.

шаҳардан узоқда, алоҳида ирригацион районда жойлашган қишлоқлар аркли бўлиб, шаклланиб келаётган аристократларни эслатади.

Шу давр ёдгорликлари мисолида зардуштийликнинг ривожланганлигини кўрсатувчи - алоҳида қурилган, Пачмактепа каби ибодатхоналарни ҳам кўришимиз мумкин.

Аҳамонийлар империяси тузумининг ҳарбий диспотизм эканлигини тасдиқловчи ҳар бир деҳқончилик ўлкада алоҳида қурилган ҳарбий истеҳкомлар - қалъаларнинг вужудга келганлигини кўришимиз мумкин (Талашқон I, Бандихон II).

Бақтрияликлар Эрон Аҳамонийлари ҳарбий қуролларининг такомиллашувига катта ҳисса қўшишган. Ўрта Осиё қуролларининг, ҳар хил тақинчоқларнинг ва металлдан ишланган идишларнинг Эронга олиб борилганлиги Персеполь релефларида ифодаланган расмларда кўринади<sup>96</sup>. Ундан ташқари металл қалқонли, отлари ҳам қалқон билан ҳимоя қилинган жангчиларнинг, яъни шу тарзда қуролланиш одатининг Аҳамонийлар даврида Эронга, ундан олд Осиёга ва Хиндистонга тарқалганлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан зикр этилади<sup>97</sup>. Бу маълумотлар ҳарбий соҳанинг ривожланганлигини кўрсатади.

Яратилаётган илмий асарларда Аҳамонийлар даврида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ҳар томонлама ривожланганлиги хусусида фикрлар мавжуд. Бунга мисол қилиб тадқиқотчилар Кафирниғон ва Вахш дарёларидан воҳалар томон қазилган каналларни, Сариқамиш делтаси бўйларида ўрганилган, Кўзалиқир ёдгорлиги атрофида жойлашган Қадимги Хоразм каналларини ёки Куняуаз каналларини мисол қилиб кўрсатадилар<sup>98</sup>.

Бизгача етиб келган ёзма манбалар асосида айтиш мумкинки, Аҳамоний шоҳлар ва сатраплар деҳқончиликни ҳар томонлама ривожлантириш

<sup>96</sup> Gerold Walser. Persepolis. Tubingen, 1980. P.32-34.

<sup>97</sup> Гафуров Б.Г. К 2500 летию Иранского государства. История Иранского государства и культуры. - М., 1971. - С. 5-37.

<sup>98</sup> Зеймаль Т.И. Древние и средневековые каналы Вахшской долины. СНВ. - Вып.10. - М., 1971. - С. 50-52; Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху. ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. - С. 266; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. - М., 1969. - С. 151-157.

тарафдори бўлган. Ксенофонтнинг хабарига кўра « ... шоҳ ҳар йили империя ҳудудидаги дехқончилик далаларини ўзи айланиб чиқишига ҳаракат қилган, кўрмаган ерларни эса ишончли одамлари орқали текширирган. Яхши ҳосил этиштирган дехқонлар шаҳаншоҳдан ҳар хил қимматбаҳо совғалар олишга муюссар бўлган»<sup>99</sup>.

Сунъий суғоришининг яна бир тури - кориз қазиш усулига Аҳамонийлар даврида асос солинганлигини И.В. Пьянков ишончли манбалар асосида исботлаган. У Полибий хабарлари асосида, яъни унинг Салавкийлар шоҳи Антиох III нинг Парфия чўлларидан ўтиш даврида ер ости каналларига дуч келганлиги ва бу каналларнинг форсийлар даврида қазилганлиги ва бу янгилик учун парфияликларнинг форс шоҳидан совғалар олганлиги хусусида маълумотлар қолдирган<sup>100</sup>.

Аҳамонийлар даврида дехқончиликнинг янада ривожланганлигини яна бир археологик манба - темирдан ясалган меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши мисолида кўришимиз мумкин. Шимолий Бақтриядаги Қизилча VI қўрғонидан топилган темир ўроқ, Қадимги Хоразмдаги Кўзалиқир, Дингилже, Сўғд ҳудудидаги Афросиёб каби ёдгорликлардан топилган, темирдан ясалган меҳнат қуроллари бунга мисол бўлади<sup>101</sup>.

И.В. Пьянков тадқиқотларига кўра Аҳамонийлар даврида ер эгалигининг «патбажик» ва «узбаръя» каби турлари мавжуд бўлган. Агар патбажик ерларидан олинган ҳосил тўлиқ шаҳаншоҳ саройи хўжалиги учун сарфланган бўлса, узбаръя ерларидан олинган ҳосилнинг бир қисми сарой ғазнасига жўнатилган<sup>102</sup>.

Аҳамонийлар даврида ҳунармандчилик давом этган. Ҳунармандчилик соҳаларининг бирор тармоғида Аҳамонийлар анъанасининг таъсири

<sup>99</sup> Пьянков И.В. Кўрсатилган асар. - С. 267. Ксенофонт. Домострой, IV, 8.

<sup>100</sup> Полибий, X, 28; Пьянков И.В. Кўрсатилган асар. - С. 267.

<sup>101</sup> Сагдулаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987. - С. 31; Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. Труды ХАЭЭ. Т.2, М., 1958. - С. 149; Воробьев М.Г. Дингилдъже. Усадьба середины I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. М. 1973. - С. 153-154; Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИИМКА. 1950. - С. 150-173.

<sup>102</sup> Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху. ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. - С. 267.

сезилмайди. Бақтрия ва Марғиёнада Қадимги Бақтрия маданияти кулолчилиги ўзининг энг ривожланган палласига киради<sup>103</sup>. Қадимги Бақтрия сополлари империянинг катта қисмига ёйилади. Эрон Аҳамонийларининг асосий ёдгорликлари бўлган Нади Али<sup>104</sup> ёки Сват<sup>105</sup> ёдгорликларидан Бақтрия кулолчилиги ашёларининг топилиши Бақтрия-Марғиёна кулолчилик анъаналарининг Аҳамонийлар даврида унинг энг ривожланган шаҳарларигача ёйилганлигидан гувоҳлик беради. Сват ёдгорлигидаги тадқиқотлар олиб борган Киара Силви Антонини Сват қулолчилигидаги бу ўзгаришларни Бақтрия ва Марғиёнадан излайди ва Ўрта Осиё қулолчилиги анъаналарининг Эрон кулолчилигига таъсири деб баҳолайди<sup>106</sup>.

Аҳамонийлар империясида, умуман Эронда тоштарошлиқ, тошга ишлов бериш бронза давридан бошлаб энг ривожланган ҳунармандчилик тури бўлган. Аҳамонийлар империяси даврида тоштарошлиқ санъат даражасига кўтарилиган. Суза, Персополь саройлари қурилиши, Персополь қоя тош суратлари бунга мисолдир. Ҳаттоқи, Эрон Аҳамонийларида энг ривожланган тоштарошликтининг Ўрта Осиёга таъсир этмаганлиги Аҳамонийларнинг империя худуди бўйлаб маданий юриш қилмаганлигидан далолатдир.

---

<sup>103</sup> Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, изд. «А.Кодирий», 2000. - С. 93.

<sup>104</sup> Chirshman R. Village Perse-Achemenide. Paris, 1954.

<sup>105</sup> Antonini C.S. Swat and Central Asia. «East and west». Vol.19. Rome, 1969.

<sup>106</sup> Antonini C.S. Кўрсатилган асап. 100-115 бетлар.

## **ХУЛОСА**

Кавийлар милоддан аввалги IX асрлар охирида Шарқий Эрон ва Бақтрия ҳудудларида пайдо бўлган ва Эрон Аҳамонийлари босқини давригача ҳукм сурган. Уларнинг фаолияти икки, илк ва сўнгти Кавийлар даврига бўлинади. Бу бирлашма гоҳида тарқалиб, гоҳида кучли сиёсий бирлашмага айланиб турган. Унинг илк даврида Зардуштийлик дин сифатида шаклланмаган. Иккинчи даври, яъни Зорастрнинг фаолияти билан боғлиқ. Шу даврдан бошлаб пайғамбар Зардушт Кавий Виштаспа томонидан қўллаб қувватланган. “Авесто” бунёд этилган. Шу даврдан бошлаб диний қарашлар, таълимотлар жангги бошланган. Кавий Виштаспанинг қўллаб-қувватлаши, ҳомийлиги натижасида Заратуштра таълимоти бутун Бақтрия бўйлаб тарқала бошлайди. Шу даврдан бошлаб Қадимги Бақтриянинг Қадимги Шарқ дунёсида ўз ўрнига эга бўла бошланганлиги қузатилади.

Қадимги Бақтрия Кавийлиги аҳолиси тарихини антропологик жиҳатдан ўрганишнинг имконияти йўқ. Бир жиҳатдан, уларни Сополли маданияти аҳолисининг авлодлари деб ҳисоблайдиган бўлсак, улар Мурғоб, Марказий ва Шимолий Эрон аҳолиси билан бир этник групхни ташкил этган ва қадимги Шарқий Эрон тили лаҳжаларидан бирида гаплашган. Шу тил асосида “Авесто” яратилган.

Ҳинд-европа тиллари оиласининг шаклланишида Бақтрияликларнинг ҳиссаси катта, санскрит, лотин, славян тилларида учрайдиган сўзларни “Авесто” терминлари билан таққослаш натижасида айтиш мумкинки, Бақтрия ва унга туташ ҳудудлар Ҳинд-европа тилларининг шаклланишида асосий ўчоқ вазифасини бажарган.

Тарихий топонимика нуқтаи назаридан хулоса қиласидаги бўлсак, Бақтрияда хинд-европа, индоарий, эроний каби кўплаб тилларга оид атамалар учрайди. Бу Бақтриянинг жойлашган географик ўрни ва қадимги

цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва ўзаро алоқаларида маданий кўприк вазифасини бажарганигини кўрсатади.

Ҳинд-европа тилларидаги ўхшашликнинг асосий сабабини арийларнинг буюк кўчишидан излаш керак. Арийларнинг илк ватани ва уларнинг Осиё ва Европага тарқалиш йўли қуидагича: “Авесто”да эсланадиган, ўн ой қиши бўладиган “Арианам Ваэжо”, Андроново маданияти тарқалган Сибир, Олтой, Қозоғистон, Куйи Амударё худудларини ўз ичига олади. Ундан Ўрта Осиё – Эрон - Ҳиндистон – Кавказ орқали Европа худудларига тарқалган.

Қадимги Бақтрияни “подшоҳлик” сифатида ёритиб келмоқдамиз. Аммо уни подшоҳлар эмас, юқорида таҳлил қилганимиздек Кавийлар, Аҳамонийлар империяси даврида эса сатраплар бошқарган. Кавийлик титули наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтиши Ахура Мазда томонидан тасдиқлаб қўйилган ва Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрияда ва Дрангианада ҳукмронлик қилган. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида Бақтриянинг подшоҳлик сифатида қўлланишининг асосий сабаби рус ва инглиз тиллардаги адабиётлардан таржима натижасида кириб келганлигидир.

Аҳамонийлар даврида Бақтрияда Кавий унвони қўлланилмаган, империянинг барча худудида бўлгани сингари бу ерда ҳам сатраплик жорий этилган ва икки юз йил давом этган Аҳамонийлар империяси даврида Кавийлик бошқаруви билан бирга Кавийлик ибораси ҳам унутилган. Аҳамонийлар ҳукмронлигидан кейинги даврларда, хусусан Буюк Александр, Салавкийлар, Юнон Бақтрия, Кушонлар салтанати даврида зарб қилинган тангаларда Кавий титули қўлланилмаган.

Келтирилган маълумотлар ва мулоҳазаларга таяниб таклиф қилмоқчимизки, ёзилаётган тарихларимизда Қадимги Бақтрия подшоҳлиги атамаси ўрнига Қадимги Бақтрия Кавийлиги атамасини қўлласак тарихимиз тўғри ёритилган бўлар эди. Бақтрияда шаҳар маданиятига, илк давлатчиликка бронза давридаёқ асос солинган. Ўрта Осиёнинг бошқа худудларига нисбатан илк шаҳар ва илк давлатчиликнинг эртароқ барпо этилишининг асосий сабаби Бақтрия Қадимги Шарқ цивилизация марказлари билан доимий, узлуксиз

равища маданий алоқада бўлиб турганлиги натижасида бронза даврида Марғиёна билан бирга Қадимги Шарқ цивилизациясининг янги, бешинчи ўчоги “Окс” цивилизацияси номи билан фанга кирди.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг маданий таъсирида бўлган Бақтрия ва Марғиёнада бронза даврида маданий ривожланиш Қадимги Шарқ йўлидан борган. Жарқўтон, Алтиндепе, Тоголок, Гонур, Даштли ёдгорликлари “ном” типидаги шаҳар-давлатлар тоифасига киритилди.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг инқирози масаласи фанга номаълум бўлганидек, Ўрта Осиё “ном” шаҳар-давлатларининг тарих саҳнасидан кетиши масаласи ҳам қоронғилигича қолиб келмоқда. Бақтрияда биринчи цивилизациянинг инқирози Шарқ давлатларидан ҳам чигалроқ кечган. Негаки, Марказий Осиёнинг шимолий минтақаларида Андроново маданиятининг (Арийлар) жойлашганлиги Бақтрияга доимий равища ҳавф туғдириб турган. Гоҳида кўчманчилар билан тинч маъданий алоқада бўлган. Албатта, бу икки хил хўжаликка, икки хил яшаш тарзига эга бўлган халқлар ўртасидаги мунасобатларига умумий қарашдир. Инсонларни, жамоаларни, ҳаттоқи жамиятлар ўртасидаги муносабатлар масаласини манфаатлар белгилайди. Окс цивилизацияси билан Андроноволиклар ўртасида умумманфатлар ҳам мавжуд бўлган. Бу биринчи навбатда маъдан конларига бўлган манфаатдорлик бўлса, иккинчиси худуд масаласидир.

Мадан конларини эгаллаш асосан металл конлари учун бўлган. Металл конларининг эгаси асосан кўчманчи халқлар қўлида бўлган. Шунинг учун кўчманчи маданият аҳолиси ҳар хил металлардан қурол аслаҳалар, тақинчоқларга бой бўлган. Назарий жиҳатдан худуд учун ҳам халқлар талашиб келган деб айтамиз. Аммо Андроново маданияти билан Сополли маданияти ўртасида доимо тинчлик алоқалари ўрнатилганлиги кузатилади. Жарқўтон ёдгорлигининг бирор жойида ёнгин, уруш аломатлари сезилмайди. Билакс, икки маданиятнинг ашёвий манбалари бирга учраш ҳолларининг кўплаб учраши Андроноволиклар билан Жарқўтонликларнинг маданий алоқаларидан ҳабар беради.

Демак, Бақтрияда Сополли маданиятининг инқирозида Андроноволиклар роли йўқ. Аммо, Андроново маданиятининг Ўрта Осиёning жанубий минтақалариға оммавий кириб келиши археологик жиҳатдан кузатилади. Яз типидаги маданиятларнинг пайдо бўлишида кўчманчи маданиятларнинг ўрни катталиги деярли барча тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Кўпчиллик олимлар Яз типидаги маданият аҳлини арийлар билан ҳам боғламоқда. Бу маданиятга хос бўлган энг характерли жиҳатлар сополларни ясашда чарҳлардан фойдаланмаслик, шаҳарлар қурмаслик, қабрларининг йўқлиги, қўйинги “Авесто” жамоасига хос бўлган моддий маданиятнинг деярли барчаси Яз туркумидаги барча маданиятларга хосдир.

“Авесто”да келтирилган бошқарув тизими Яз маданияти аҳолиси билан жуда мос келади. Оила жамоаси “нмана”, бир дарё бўйида яшаган бир ва бир неча ёдгорликларни жамлаган, ўзининг дехқончилик қиласидан ер майдонларига, чорва молларини бокадиган яйловларига эга бўлган оилалар, “нмана”нинг Бақтрияда намоён бўлиши ёки археологик жиҳатдан ифодаланиши шундай хulosса чиқаришга имкон берадики, Бақтрияда оилалар ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни оиланинг нуфузига қараб белгиланган. Кучуктепада оддий оила яшамаган. У баланд платформа устига қурилган қўрғон бўлиб, мудофаа деворига эга бўлганлиги, мумкинки ҳукмдор оила уйи, шаклланиб келаётган аристократлар оиласини эслатса, Бандихонда ўрганилган оилалар кўпроқ дехқончилик билан шуғулланган.

“Авесто”нинг энг қадимги Гат ва Яшт қисмларида таъкидланадиган “састар”ни бир суғорилиш райони ҳукмдори сифатида эътироф этиш мумкин. Бу иқтисодий районда бир ёдгорлик суғорилиш райони маркази вазифасини бажарган. “Састар” шу марказ аркida истиқомат қилган ва ҳарбий бошлиқ вазифасини ҳам бажарган.

Сурхон воҳаси худудида 7 та суғорилиш райони, яъни 7 та састарлик ҳукм сурган. Булар Бандихон, Уланбулоқсой, Шеробод, Миршоди, Сангардак, Сурхондарёning ўрта ва қуи оқимларини ўз ичига олган састарликлариdir.

Бутун Бақтрия худудида эса жами 17 та састьар мавжудлиги аниқланди. Ҳар бир састьар иқтисодий жиҳатдан мустақил ҳаёт кечирган. Ўзининг дехқончилик учун экин майдонлари, чорваси учун яйловлари мавжуд бўлган. Састьарлар асосий аҳолидан алоҳида яшайдиган аркларда яшаган. Ўз худудини ўзлари ҳимоя қилган, аммо сиёсий жиҳатдан мустақил бўлмаган, негаки “Авесто”да дахиюпатлар тўғрисида маълумотлар ҳам бўлиб, улар дехқончилик ўлкаларининг ҳукмдорлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Бир неча састьарлар бирлашиб дахиюпатларни ташкил этган ва улар кичик вилоят ҳукмдорлигига тўғри келади. Булар Сўғд ва Бақтриядаги Наутака, Ксениппа, Габаза, Паретакена ва Бубакена каби худудларни эгаллаган. Ҳукмдорлари Оксиарт, Сисимитр, Хориен, Катанлар дахиюпат титулида бўлган.

Ҳар бир дехқончилик ўлкаси, дахиюпатлари алоҳида жойлашган мустақил сиёсий ва иқтисодий райондир. Сурхон воҳасида Қадимги Бақтрия Кавийлигининг учта дахиюси тўғри келмоқда. Булар Шеробод, Бойсун ва Сурхон дехқончилик воҳалари бўлиб, Габаза, Паретакена ва Бубакена дахиюпатлариидир. Бақтрия худудида эса жами 11 та дахиюпати ҳукмронлик қилганлиги кузатилди.

“Дахиюлар дахиюпатиси” бутун Бақтрия ҳукмдори, яни Кавийси титулига тўғри келади. Улар барча састьар, дахиюларни бирлаштирган ва давлат номидан иш кўрган. Олий судъя, диний ишларни назорат қилувчи – Зарадтушт ротэма вазифаларини ҳам бажарган.

Шундай қилиб, Бақтрияда Аҳамонийлар империясидан олдин, Қадимги Бақтрия Кавийлиги замонидан бошлаб худудий ижтимоий-сиёсий бирлашмалар – қишлоқлар, қишлоқлар уюшмаси, дехқончилик ўлкалари ва вилоят бирлашмалари мавжуд бўлган, “Авесто”да уларни виспати, дахъюпатилар бошқарганлигини кўриб ўтдик.

Қадимги юонон тарихчилари Аҳамонийлар империяси босиб олган худудларда маҳаллий бошқарув усулларига аралашмаган, фақат солик

сиёсати билан шуғулланган. Шу маълумот асосида фикрлайдиган бўлсак, Аҳамонийлар империяси даврида Бақтрияда маҳаллий бошқарув Қадимги Бақтрия Кавийлиги анъаналари асосида, яъни авесточа виспати, даҳйўюпатилар ўз фаолиятини давом эттирган.

Ўрта Осиё вилоятларининг иқтисодий ривожланиши, ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий мустақиллик учун кураш, Аҳамонийлар империясига қарши кўзғолон ва курашлар Бақтрия орқали амалга оширилган. Форслар томонидан тайинланган сатрапларнинг Аҳамонийлар империясини бошқаришда обрўга эгалиги Бақтриянинг нуфузидан дарак беради. Бақтриянинг Аҳамонийлар империясини парчалаб юборишгача бўлган қудратга эга бўлган. Бу фикрни Масиста воқеаси тасдиқлайди. Бақтрия ҳукмдори Бесс ўзини “Осиё ҳукмдори” деб эълон қилиши ва Артаксерксга тегишли “тож”ни қабул қилишини Бақтрияликларнинг ва умуман Ўрта Осиёликларнинг мустақиллик учун кураши деб тушунсак тарихни тўғри англаған бўламиз ёки Аррианнинг Бақтрия аристократларининг Зариаспда чақирилган съезди тўғрисидаги хабари Бақтрияликларнинг сиёсий мустақиллик томон катта қадами дея баҳоланиши керак.

Албатта, Бақтриянинг Аҳамонийлар империяси таркибида кириши оқибатларининг икки томони бор. Биринчиси, Бақтрия халқи маҳаллий ва босқинчи ҳукмдорлар томонидан эксплуатация қилинган бўлса, иккинчи томондан Бақтрияликларнинг Шарқ халқлари билан савдо ва маданий алоқаларнинг кучайишига олиб келган.

Бақтрия Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданиятида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмаганлиги, яъни ўз йўлида ривожланганлиги қўплаб тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилганлиги хусусида ҳам тадқиқотчилар ўз фикрларини айтишган.

Аҳамонийлар шоҳи Кир Ўрта Осиё кўчманчи халқлари Массагетлардан мағлуб бўлган. Бунинг энг асосий сабаби кўчманчиларнинг босқинчиларга

қарши, Ватан ҳимояси учун кўчманчи халқлар ўртасида ҳарбий иттифоқнинг тузилиши ва бутун Марказий Осиё кўчманчиларининг Аҳамонийларга қарши бирга курашганлигидир.

Кўчманчи халқларнинг бир ҳудудда қўним топмаганлиги, улар тўғрисида аниқ манбаларнинг йўқлиги Марказий Осиё ҳалқлари тарихининг энг чигал нуқталаридан биридир. Кўчманчиларнинг ҳаёт манбаи чорва ва у билан бўлган яйловдир. Об-ҳаво яхши келиб, яйловларда ўтлоқлар мўл бўлган йиллар кўчманчи тинч ва осайишта ҳаёт кечирган. Қурғоқчилик бўлган йиллар кўчманчилар дехқончилик воҳаларига гоҳида тинч, гоҳида уруш натижасида кириб келган, кези келганда ўтрок ҳаёт кечирган. Страбон Даҳларнинг Парфия ҳудудига бостириб кирганлиги ва уларнинг ерларига жойлашиб олганлиги тўғрисидаги хабари бу фикрга мисол бўла олади.

Ўрта Осиё кўчманчилари қўп сонли ва турли хил номларда бўлган, бунинг сабаби, уларнинг сиёсий бирлашмалари тез-тез янгиланиб туришида, бири парчаланиб иккинчисининг барпо бўлишидадир.

Кўчманчиларнинг дехқончилик воҳалари бўйлаб ҳам тарқалганлиги археологик маълумотлар асосида кузатилади. Бу ҳолат бронза давридан бошлаб сўнгги ўрта асрлар даврида ҳам давом этган. Жумладан, Бақтрияning бронза даврига оид Вахш маданиятининг ҳозирги Жанубий Тожикистон ҳудудларига тарқалиши, илк темир даврида Хоразм воҳасида асосан кўчманчи халқларнинг тарқалиши, Фарғонадаги Эйлотан маданиятининг пайдо бўлиши Амюрги Саклари билан боғланиши каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Жуда қўп ҳолатда бу жараён маданиятлар симбиозимининг, янги маданиятларнинг пайдо бўлишига замин бўлган. Илк темир даврида Ўрта Осиёда Яз I маданиятининг (Бақтрияда Кучук I) пайдо бўлишини Кўчманчи Андроново маданиятининг ўтроқлашиши натижасида пайдо бўлган деган ғоя бизнинг фикримизча энг ҳақиқатга яқин илмий карашдир. Бақтрия тарихидаги Кучук I (А.Аскаров) ёки Қизил I (А.Сагдуллаев) маданиятларининг пайдо бўлиши кўчманчи халқлар билан маҳаллий халқ анъаналарининг синтези натижасидир.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Абаев. В.И. Два зорастризма в Иране. ВДИ. №4. С.198-207.
2. Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. «Archiv Orientalni», XXIV, 1956.С.23-36;
3. Абдуллаев А.Л. Памятники раннежелезного века Южного Таджикистана. Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. - М., 1983. - С. 3-4;
4. Абдуллаев У.И. Историография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX-начала XXI в.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Т., 2008. – 21 с.
5. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Т.: Akademiya, 2009. – Б.142;
6. Авеста: “Видевдот” китоби (М. Исҳоқов таржимаси). Т., ТошДШИ нашриёти, 2007. 17 бет.
7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т., 2000.
8. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. - М., 1969. - С. 151-157.
9. Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств. (На примере Средней Азии) / От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М., Наука, 1987;
10. Арриан. Анабасис. 25.3.
11. Арриан. Поход Александра. (Пер. М.Е. Сергеенко). М.-Л., 1962;
12. Аскarov А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы на юге Узбекистана. – Т., Фан, 1977;
13. Аскarov А.А. К вопросу о происхождении культуры племен с расписной керамикой эпохи поздней бронзы и раннего железа. // Этнография и археология Средней Азии. М.,1979.
14. Аскarov А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар / Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА

академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишенгандын халқаро илмий анжуман материаллари. – Т., Фан, 2004. - Б. 76-84.

15. Аскarov А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности //
16. Аскarov А.А. Пшактепа. ИМКУ. Вып, 17, Ташкент, 1982. - С. 33-37.
17. Аскarov А.А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973;
18. Аскarov А.А. Южный Узбекистан во II тысячелетии до н.э. //Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности. Труды международного симпозиума по этническим проблемам истории Центральной Азии в древности (II тыс. до н.э.). Душанбе, 17-22 октября 1977 г. - М., 1981. - С. 167-179.
19. Аскarov А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Т., Фан, 1983;
20. Аскarov А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. – Т., Фан. 1979;
21. Аскarov А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. - Самарканд, 1993. - 162 с.
22. Аскarov. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977;
23. Баратов С.Р. К древнейшей истории населения Ташкентского оазиса и бассейна Сырдарьи / Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды международной научной конференции. – Т., 2009. - С. 30-32.
24. Бартольд В.В. К истории персидского эпоса // Записки Восточного отделения Российской Археологического общества. XXII, 1915. - С. 258-259;
25. Бертельс Е.Э. История персидско-таржикской литературы. - М., 1960.. - С. 37-38.
26. Бойс М. Зороастрыйцы. Верования и обычаи. 3-ое изд. СПб., 1994. - С. 27.
27. Бонгард-Левин Г.М. Древнеиндийская цивилизация, философия, наука, религия. М., 1980, с. 16.

28. Брагинский И.М. Из истории таджикской поэзии. М., 1956. С. 276.
29. Буряков Ю.Ф. Генезис городской культуры Чача. - Ташкент, «ФАН», 1983. - С.238.
30. Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амудары в 70-80 годах / Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. - М., 1991;
31. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности VII в. до н.э. – VIII в. н.э. - М., 1999 - С.202-204.
32. Воробьева М.Г. Дингилдъже. Усадьба середины I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. М. 1973. - С. 153-154;
33. Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология / Этнография и археология Средней Азии. - М., 1979;
34. Гафуров Б.Г. История Таджикского народа. Т. I. - М., 1955. - С. 31-32;
35. Гафуров Б.Г. К 2500 летию Иранского государства. История Иранского государства и культуры. - М., 1971. - С. 5-37.
36. Гафуров Б.Г. Таджики. Т.1. - Душанбе, 1989. - С.72;
37. Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов IV-III вв. до н.э. по археологическим данным. Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. Киев, 1984. - С. 215-234.
38. Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). - Л., 1972.
39. Гинзбург В.В. Материалы к антропологии гуннов и саков. СЭ, 1964. №4. - С. 210;
40. Грантовский Э.А. Бактрия и Ассирия (в связи с проблемой древнебактрийского «царства»). Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. - М., 1983. - С. 27-30.
41. Грантовский Э.А. Иран и иранцы до Ахеменидов. Основные проблемы. Вопросы хронологии. - М., 1998. - С. 106-107.

42. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Т., 1957;
43. Дандамаев М.А. Государства и релегия на древнем ближнем Востоке. ВДИ. 1985. №2. С.3-9.
44. Дандамаев М.А. Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980. С.108.
45. Диодор. Историческая библиотека. Кн. 17. II , 2-7. Пер. М.Е. Сергеенко;
46. Дьяконов И.М. Ассирио-Вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ. - М., 1951, . - № 2. - С. 335-336;
47. Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира (К возможности новых постановок вопроса) // История Иранского государства и культуры. М. 1971.
48. Дьяконов И.М. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э.М.,Л., 1956. - С. 83;
49. М.М.Дьяконов. Очерк истории древнего Ирана. М.. 1961. - С. 60,73.
50. Дьяконов М.М. Археологические работы в нижнем течении реки Кафирниган. МИА., №37, 1958;
51. Дьяконов М.М. Сложение классового общества в северной Бактрии // СА. Вып. 19, 1954. – С. 130-138;
52. Елизаренкова Т.Я. «Ригведа» - великое начало индийской культуры и литературы. Ригведа, Мандалы I-IV. - М., 1989. - С. 433;
53. Елизаренкова Т.Я. Древнейший памятник индийской культуры - Ригведа. - М., 1972. - С. 11;
54. Забелина Н.Н. Раскопки на городище Калаи-Мир. МИА, №37, 1958.
55. Заднепровский. Древнеземледельческая культура Ферганы;
56. Законы Ману, X, глава XLIV,
57. Зеймаль Т.И. Древнеземледельческое поселение Болдай-тепе. МКТ, Вып.2, Душанбе, 1971.

58. Зеймаль Т.И. Древние и средневековые каналы Вахшской долины. СНВ. - Вып.10. - М., 1971. - С. 50-52;
59. Играп Алиев. Истории Мидии, 1, Баку, 1960. - С. 24;
60. Исаков А. Саразм – новый раннеземледельческий памятник Средней Азии // СА, № 6, 1986, с. 152-167.
61. История государственности Узбекистана. Том 1. Ташкент 2009.
62. История таджикского народа. С древнейших времен до V века н.э. Под ред.Б.Г.Гафурова и Б.А.Литвинского, Том I, М., 1963.
63. Исҳоқов М. «Авесто» - тарих ва маънавий дунёмиз сарчашмаси. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Тошкент - Урганч, 2001, 5-бет.
64. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йњъль. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1998, 5-25 бетлар.
65. Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Пер. В.С.Соколова. - М.: МГУ, 1963;
66. Ксенофонт. Домострой, IV, 8.
67. Кузмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии. Народы Азии и Африки. М. 1980. №6. - С. 27;
68. Кузмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности. Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. - М., 1985. - С. 43.
69. Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. - М., - С.Пб. Летний сад, 2009. 557 с; Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. – С. 224.
70. Кузьмина Е.Е. Бактрийский мираж и археологическая действительность // ВДИ. - М., 1978. - № 2. – С. 12-21.
71. Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования / ИТН. Глава III. – Душанбе, 1963. – С. 68-75.
72. Лившиц В.А. Общество авесты // История таджикского народа. Т.1. М., 1963. С. 147.

73. Литвинский Б.А. Бронзовый век. История таджикского народа. Том I. - М., 1963;
74. Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М., 1972.
75. Лушпенко О.Н. Ранножелезный век Южного Согда. (По материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. - Самарканда, 1998. С. 21;
76. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959 . - № 73.
77. Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес / Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М., 1967;
78. Массон В.М. Печатиprotoиндийского типа из Алтын-депе (К проблеме этнической атрибуции культур расписной керамики Ближнего Востока) // ВДИ. - М., 1977, №4.
79. Массон В.М. Проблема древней Бактрии и новый археологический материал // СА. - М., 1958. - № 2. – С. 49-65;
80. Массон. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА №79. - М., Л., 1959;
81. Матюшин Г.Н. Археологический словарь. М., “Учеб.лит.” 1996. С. 304.
82. Мифы Древнего и раннесредневекового Ирана. СПб, Москва, 1998. С. 479-480.
83. Мончадская Е.А. О правителях Бактрии и Согдианы VI-IV вв. до н.э. // Труды Государственного Эрмитажа. – Л., 1961. Том 5. – С. 110-116.
84. Мунчаев Р.М. Кавказ на заре бронзового века. М., 1975, с. 156-157.
85. Оранский И.М. Изучение памятников древнеиранской письменности в СССР (1917-1970). История Иранского государства и культуры (К 2500 - летию Иранского государства). - М., 1971. - С. 45.
86. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. Киев, 1989.

87. Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников. Основные проблемы африканистики: Этнография. История. Филология. - М., Наука, 1973. - С. 3-23;
88. Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. Древняя Бактрия. - Л., 1974.
89. Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середине I тысячелетие до н.э. ОНУЗ, . - № 11, 1973. - С. 77-82;
90. Полибий, X, 28;
91. Помпей Трог. I, 1,2.
92. Птицин Г.В. К вопросу о географии Шах-наме // Труды Отдела Востока Гос. Эрмитажа. Т.4. - Л., 1947. - С.303.
93. Пугаченкова Г.А. Халчаян. Ташкент, 1966; Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа в Узбекистане. МСПИАРИ. Тезисы докладов, Баку, 1965.
94. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). Ташкент, 1990. - С. 22-38.
95. Пьянков И.В. Государства древних Кави // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 79.
96. Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 334-348;
97. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ, №3, 1996. С.9.

98. Пьянков И.В. Некоторые вопросы этнической предыстории таджикского народа / Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. II. История и археология. - М., 1990;
99. Исомиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). Ташкент, 2002;
100. Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов / Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. Тезисы докладов. - Л., 1975. С. 84.
101. Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху. ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. - С. 266;
102. Пьянков И.Н. Древнейшие государственные образования Средней Азии // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Материалы Международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.), М., 2001. С.334-338.
103. Пьянк  
ов И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана... - С. 84-93.
104. Пьянков И.Н. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторических реконструкции). Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80- летию Е.А.Давидович и Е.А.Литвинского. Москва, 3-5 апреля 2003 года. - М., 2003. - С. 132-135.
105. Рамайана I, глава XLV.
106. Ричард Фрай. Наследие Ирана, М.: 1972. – С. 271.

107. Ртвеладзе Э.В, Саидов А,Х, Абдуллеев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., Адолат, - 2001. – Б. 239;
108. Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия - Средневековый Тохаристан. Динамика историка-культурного развития (по материалам амударьинского правобережья). Автореф. дисс. ... д.и.н. - М., 1988. - С. 8.
109. Ртвеладзе Э.В. К вопросу о субстратном языке юга Средней Азии (III-II тыс.до н.э.). В книге «Тарих, Мустақиллик, Миллий ғоя (Республика илмий назарий анжумани материаллари). Тошкент, «Академия» нашриёти, 2001, 124 бет.
110. Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского вревени. СА.. №2, 1975;
111. Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака. В кн. Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. Л., 1981;
112. Ртвеладзе Э.В. Новые бактрийские памятники на юге Узбекистана. ИМКУ. Вып.21, Ташкент, 1987.
113. Ртвеладзе Э.В. Титулатура правителей // История государственности Узбекистана. - Ташкент, 2010. - С.334.
114. Ртвеладзе Э.В. Титулы правителей государств и владений Средней Азии в начале I тыс.до н.э. // ОНУ. – 2006. -.№ 5-6. – С. 46-57;
115. Сабиров К Оборонительные сооружения древних поселений и городов Средней Азии. Автореф. дисс. ... к.и..н. - М., 1978.
116. Сагдуллаев А.С. Заметки о раннем железном веке Средней Азии. СА, 1982, С.229-234.
117. Сагдуллаев А.С. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Ташкент-Урганч, 2001;
118. Сагдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. – Т., - 1992. – С. 132-133;

119. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. - Тошкент. Ўқитувчи, 1996;
120. Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (по материалам памятников района Шурчи-Байсуга). Автореф. дисс. ... к.и.н. - Л., 1978. - С. 7.
121. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. - М., 1989. - С. 40.
122. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Т., Фан, 1987;
123. Сагдуллаев. «Авесто»да акс этган диний маросимлар тарихини ўрганишда археологик маълумотлар. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Ташкент-Урганч, 2001, 21 бет.
124. Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М., 1977;
125. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат, 2002.;
126. Сарианиди В.И. Памятники позднего энеолита юго-восточной Туркмении // Археология СССР. САИ. Б. 3-8. Часть 4. М., 1965, с. 12-13, рис. 7:9.
127. Сарианиди. Древние земледельцы Афганистана. - М., 1977.
128. Сверчков Л., Бороффка Н. О некоторых проблемах археологического исследования культур росписной керамики эпохи поздней бронзы – раннего железа / Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды международной научной конференции. – Т., 2009. - С. 33-37.
129. Сверчков Леонид. “Тохарская проблема” и культура расписной керамики эпохи раннегорелеза // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии. Сборник статей в честь Поля Бернара. Самарканда, 2010. С. 172-193.
130. Смирнов К.Ф, Кузмина Е.Е. Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических открытий. - М., 1977.
131. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. - М., 1970. - С.24.

132. Соруш Сорушьян. Фарханге бехдинан. Техрон, 1967. - С. 215.
133. [Страбон, «География». XI китоб, XI боб, 3](#)
134. Струве В.В. Восстание В Маргиане при Дария 1. МЮТАКЕ. Вып.№1. Ашгабад, 1949. С.9-34.
135. Струве В.В. Поход Дария 1 на Саков-массагетов. Изд. АН СССР, 1946, №3, С. 229-250;
136. Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. - Л., 1968;
137. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшеб. Ташкент, 2000;
138. Сулейманов Р.Х. Древности Нахшаба. – Т., Фан, 2000;
139. Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИИМКА. 1950. - С. 150-173.
140. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 103.
141. Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. - М., 1938 . - № 1. - С. 183;
142. Толстов С.П. По следам древнекорезмской цивилизации. - М., Л., 1948. - С. 86.
143. Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. Труды ХАЭЭ. Т.2, М., 1958. - С. 149;
144. Тольстов С.П. По следам древнекорезмской цивилизации. С. 104,
145. Тревер К.В.. Гопадшах - пастух-царь//ТОВЭ, II, 1940. - С. 85;
146. Тураев Б.А. История древнего Востока. 2. Ленинград, 1935. С.18.
147. Фирдоуси А. Шах-наме. В 6-томах. Серия: Литературные памятники. М., 1969.
148. Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. - М., Наука,, 1975. - С. 275.
149. Хакимов З.А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа. Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. Тезисы докладов. (26-29 мая 1985 г. Далварзинтепа). Ташкент, 1984. С. 135.

150. Хлопин И.Н. Модель круглого жертвенника из Ялангач-депе // КСИА, вып. 98. М., 1964, с. 87-89.
151. Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропогенетических типов на территории Средней Азии (неолит-нач. XX в.). СЭ. 1983, №3. - С. 10;
152. Ходжаева Г. Географические реалии “Авесты” и современная Центральная Азия // Арийская цивилизация в контексте евроазийских культур. Душанбе, 2006. С. 724-727;
153. Ходжаева Н. Авестийские географические названия в преданиях о кеянидских царях // Вестник Таджикского национального университета. Душанбе, 2010. С.3-11.
154. Ходжайов Т.К. Антропологический состав населения эпохи бронзы Сапаллитепа. Тезисы докладов на сессии, посвященной итогам полевых этнографических и антропологических исследований в 1974-1975 гг. Душанбе, 1976;
155. Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. - Ашхабад, 1983;
156. Шайдуллаев Ш, Икрамов Н. Қадимги Бақтрия подшоҳликми ёки кавиликми?// O’zbekiston tarixi. Тошкент, 2010, № 3. 3-6 бетлар.
157. Шайдуллаев Ш.Б. “Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари”. Тарих фанлари докторлиги диссертацияси тексти. Самарқанд, ЎЗР ФА Археология институти библиотекаси, 2009.
158. Шайдуллаев Ш.Б. Авеста ва моддий маданият // «O’zbekiston tarixi». – Т., Фан. – 2004. - № 3.
159. Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о локализации Паретака, Бубакена и Габаза. Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековье. Тез. докл. международного семинара ЮНЕСКО. Ташкент, «Фан», 1990.
160. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, изд. «А.Кодирий», 2000. - С. 93.

161. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти босқичлари ... Автореф. дисс. т.ф.д. Самарқанд, 2009.34-бет.
162. Ширинов Т.Ш. Қадимги Бақтрия подшолиги “Катта Хоразм” / Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т., Шарқ, 2001. – Б. 13;
163. Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дис. на соиск. д.и.н. М., 1992;
164. Эшов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. Т., 2008. С. 42.
165. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М., 1996.
166. Antonini C.S. Swat and Central Asia. «East and west». Vol.19. Rome, 1969.
167. Avanesova N, Šajdullaev Š, Ërkulov A. Dzam - ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana // AMIT - Berlin, 2001.-Band 33.
168. Avanesova N.A. Spatbronzezeitliche Kulturkontakte in der baktrischen Flusoase nach den Befunden der Nikropole Bustan 6. AMIT 29,1997, 147-178.
169. Botta. Memoire sur L'ecriture cuneiforme assyrienne. Paris, 1849; De Saulcy. Recherches sur L'ecriture cuneiforme assyrienne. Paris, 1849;
170. Botta. Monuments de Ninive. Paris, 1850, Vol.5; Layard. Monuments of Nineveh. London, 1851.
171. Boyce M.A. History of Zoroastrianism. Vol. II. Under the Achaemenians. Leiden-Koln, 1982, P.305.
172. Chirshman I. Fouilles de Nad-i Ali dans le Seistan Afghan.-Revue des arts asiatiques. 1939, p.20. Vol. XIII. №1;
173. Chirshman R. Village Perse-Achemenide. Paris, 1954.
174. Dhalla M. Zoroastrian Civilization. New York, 1922.
175. Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Chapulat Chaydoullaev. Uzbek-German arhaeological researches in the Surkan Darya region. La Baktriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. Paris, 2001.

176. Foucher A. La vieille route de l'inde Baktres a Taxila. – Paris, 1942
177. G.Gnoli. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series, №2). Bibliotheca Persica Press. New York, 2000. Distributed by Eisenbrauns. Winona Lake, Indiana. XIV. P.37-41;
178. Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. – London, 1985. V. 45;
179. Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. Erlangen, 1982. V. 66;
180. Gerold Walser. Persepolis. Tubingen, 1980. P.32-34.
181. Gershevitch I. The Avestan Hymn to Mithra. - Cambridge, 1959;
182. Ghirshman R. Iran dessa l'Islam. Paris, 1951. P. 111-112.
183. Gnoli G. Zoroaster in History (Biennial Yarshater Lecture Series, №2). Bibliotheca Persica Press. New York, 2000. Distributed by Eisenbrauns. Winona Lake, Indiana. XIV. P. 131.
184. Julio Dendezi-Sermento, Johanno Lhuillier. Entre nomadizme et sedentarite: L'étude des cultures de l'age du fer ancien du Chach. Peut-on parler d'une influence du Khorezm? / 2200 th Anniversaru of Tashkent – the Capital of Uzbekistan. – T., 2009. - P. 40-45.
185. Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836.
186. Li Xiao, Zhang Yongbin. New Discoveries and Thoughts on the Shengjindian Excavation in Turfan \\ International workshop on Evasian Archaeology. Xi'an, China. 17-26 September, 2010.
187. Lyonnet B. Ceramique et peoplement du chalcolitique a la conquete arabe (Prospections archeologiques en Baktriane orientale (1974-1978). Sous la derection de Jean-Claude Gardin. V.2), Paris, 1997;
188. Markwart J. Wehrrot und Arang. - Leiden. – 1938. –P. 10-12;
189. Mecquenet R. De Fouilleg de suse, 1933-1939. MMA en Iran. Paris, 1943, t. XXV, p. 107-108.
190. Nîldeke T. Iranisches Nationalepos, Grundriss der Iranische Philologie, II. 1896-1904.V.141;

191. Olmstead A. History of Persian Empire. Chicago, 1948.P. 231.
192. Prasek J.D. Geschichte der Meder und Perser. Bd. I. - Gotha, 1906. V. 50-54
193. Reisch E. Baktrionoi / Paulys Real-Enzyklopödie. T. II. 1896;
194. Sarianidi V. Margiana and Protozoroastrizm. Athens, 1998;
195. Shapulat B. Shajdullaev. Untersuchungen zur frühen Eisenzeit in Nordbaktrien. AMIT. Band 34. Berlin, 2002. P.271-276;
196. Sulimirski T. Scythian Antiquities in Western Asia. Artibus Asiae, V. XVII, 1954, P.297.
197. Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch-doctor? - Leiden, - 1951;

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3-17</b>
Мавзунинг долзарбилиги. ....	3 - 5
<b>I-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ КАВИЙЛИК АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗУМИ ВА АНЬАНАЛАРИ. ....</b>	<b>18 - 24</b>
I. 1. Қадимги Бақтрия аҳолисининг ижтимоий бошқарув ва лавозимлар тизими. ....	18 - 20
I. 2. Қадимги Бақтрия аҳолиси анъаналарининг дағн усулларидаги кўринишлари.....	21 - 24
<b>II-БОБ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ АҲОЛИСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАРИ ВА АҲАМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ТАРКИБИГА КИРИТИЛИШИ.....</b>	<b>25-49</b>
II. 1. Бақтрия ва Марказий Осиё кўчманчилари.....	25 - 35
II. 1.Қадимги Бақтрия аҳолиси Аҳамонийлар империяси таркибида. ....	36 - 48
<b>ХУЛОСА . ....</b>	<b>49 - 55</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>56 - 70</b>

**Термиз давлат университети  
Тарих факультети Тарих таълим йўналиши 4 курс 403 гурух талабаси  
Хасанова Наргиза Абдижабборовнанинг  
“Қадимги Бақтрия аҳолиси ва Марказий  
Осиё кўчманчилари” мавзусидаги  
Битирув малакавий ишига**

## **ТАВСИЯНОМА.**

Тарих факультети Тарих таълим йўналиши 4 курс 403 гурух талабаси Хасанова Наргиза Абдижабборовнанинг “Қадимги Бақтрия аҳолиси ва Марказий Осиё кўчманчилари” мавзуси устида уч йил илмий изланишлар олиб борди. Мавзуга оид бир қанча илмий ишлар билан танишиб, бу борада ўзининг мустакил фикрига эга бўла олди. Илмий изланишлари давомида Қадимги Бақтрия аҳолисининг анъаналари, уларнинг Марказий Осиё Кўчманчилари билан алоқалари масалаларини ёритишга алоҳида эътибор қаратди.

Қадимги Бақтрия аҳолисининг дафн усуллариини зардуштийлик дафн усуллари билан солиштириб, ўзига хос илмий хulosага келди.

Ишнинг ютуқларидан яна бири Қадимги Бақтрия аҳолисининг Аҳмонийлар империяси таркибига киритилиши билан аҳоли ижтимоий ҳаётида ва давлат бошқаруви тизимидағи ўзгаришлар ишонарли далиллар асосида ёритилганлигидир.

Битирув малакавий иш сўнгига тегишли хulosа чиқара олган, етарли илмий аппаратига эга. Умуман иш Олий таълим талаблари асосида . “Низом” доирасида бажарилган. Ишни очиқ ҳимояга тавсия этаман.

**Илмий раҳбар:**

**Ўзбекистон тарихи кафедраси**

**катта ўқитувчиси:**

**Икромов Н.М.**

Термиз давлат университети  
Тарих факультети Тарих таълим  
йўналиши 4 курс 403 гурух талабаси  
Хасанова Наргиза Абдижабборовнанинг  
“Қадимги Бақтрия аҳолиси ва Марказий  
Осиё кўчманчилари” мавзусидаги  
Битириув малакавий ишига

### ТАҚРИЗ.

Тарих факультети Тарих таълим йўналиши 4 курс 403 гурух  
талабаси Хасанова Наргиза Абдижабборовна томонидан бажарилган  
“Қадимги Бақтрия аҳолиси ва Марказий Осиё кўчманчилари” мавзусидаги  
Битириув малакавий ишининг мавзуси долзарблиги билан ажралиб турибди. Иш  
“Низом” талабларидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланган. Ишнинг кириш  
қисмида адабиётлар тахлили анча мукаммал ишланган.

Ишдаги ҳар иккала боб ҳам тегишли бўлимларга, алоҳида қисмларга  
ўринли тақсимланган. Ишда етарли даражада илмий адабиётлардан  
фойдаланилган.

Битириувчи Хасанова Наргиза Абдижабборовна “Қадимги Бақтрия  
аҳолиси ва Марказий Осиё кўчманчилари” мавзусидаги Битириув малакавий  
ишини бажариш жараёнида мавзу мазмуни тўла очиб берилган. Ҳар боб  
хulosаланган, Айниқса, Қадимги Бақтрия кавийлиги аҳолисининг ижтимоий  
тузуми, анъаналари, Марказий Осиё кўчманчилари билан алоқаларининг  
ёритилиши ва тегишли хулоса қилиниши ишнинг ўзига хос илмий янгилиги ва  
ютуғидир. Ишнинг яна ўзига хос томонларидан бири, Қадимги Бақтрия  
аҳолиси ижтимоий тузуми ва давлат Бошқарувидаги ўзгаришларнинг қай  
йўсинда содир бўлиши жараёнининг ёритилишидир.

Умуман, ушбу Битириув малакавий иши “Низом талаблари асосида  
бажарилган бўлиб, ишни “аъло” баҳога тавсия этаман ва Хасанова Наргиза  
Абдижабборовнани тарих таълим йўналиши бакалавр даражасини олишга  
лойик деб ҳисоблайман.

Тақризчи: Ўзбекистон тарихи кафедраси

катта ўқитувчиси:

Ш.Т.Худайбердиев

Термиз давлат университети  
Тарих факультети Тарих таълим йўналиши 4 курс 403 гурух талабаси  
Хасанова Наргиза Абдижабборовнанинг  
“Қадимги Бақтрия аҳолиси ва Марказий  
Осиё кўчманчилари” мавзусидаги  
Битириув малакавий ишига

### ТАҚРИЗ.

Ушбу битириув малакавий иши мавзуси ўзбек давлатчилиги ва ўзбек ҳалқи этногенези масалаларини ёритиш йўлидаги қадамлардан биридир. Иш режа асосида ёзилган бўлиб, икки боб, кириш ва хулоса қисмларидан иборат. Иш ўзининг илмий аппаратига эга.

Тарих факультети Тарих таълим йўналиши 4 курс 403 гурух талабаси Хасанова Наргиза Абдижабборовна томонидан бажарилган “Қадимги Бақтрия аҳолиси ва Марказий Осиё кўчманчилари” мавзусидаги Битириув малакавий ишининг мавзуси долзарблиги билан ажралиб турибди. Иш “Низом” талабларидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланган. Ишниң кириш қисмида адабиётлар тахлили анча муқаммал ишланган.

Битириув малакавий ишининг биринчи боби, Қадимги Бақтрия қавийлиги аҳолисининг ижтимоий тузуми ва анъаналарининг ёритилишига бағишлиланган. Ушбу бобда ижтимоий бошқарув тизими, лавозимлар ва айниқса, дағн усуллари илмий асосда ёритилган.

Ишниң иккинчи бобида Қадимги Бақтрия аҳолисининг Марказий Осиё кучманчилари билан алоқалари ва аҳмонийлар империяси таркибига киритилиши тегишли манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилган. Айниқса, Марказий Осиё кўчманчилари ҳақида қизиқарли маълумотлар тўпланган ва илмий таҳлил қила олган.

Ишда ўзига хос хулоса баён этилган. Умуман битириувчи Хасанова Наргиза Абдижабборовна “Қадимги Бақтрия аҳолиси ва Марказий Осиё кўчманчилари” мавзусидаги Битириув малакавий ишини бажариш жараёнида мавзу мазмуни тўла очиб берилган. Битириув малакавий иши “Низом талаблари асосида бажарилган бўлиб, ишни “аъло” баҳоға тавсия этаман.

Ташқи тақризчи: Термиз шаҳар

13-сонли ўрта мактаб олий тоифали ўқитувчиси:

Мажидова М.